O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 21-may, chorshanba | № 41 (7546)

Da'vat

Kitob fikrlash qobiliyatimizni harakatga keltiruvchi ixchamgina quroldir; u aqliy tanballigimiz bilan kurashishimizda bizga ko'maklashuvchi tafakkur quvvatidir.

Emil FAGE

Ibrat

Chilonzor tumanidagi 429-sonli "Istiqlol" bog'chasi bolajonlari uchun kichik sport majmuasi bunyod etilmoqda. 1 iyun kuni foydalanishga topshirilishi kutilayotgan mazkur majmua qurilishiga "Afruz" savdo kompleksi jamoasi homiylik qilmoqda.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

QABUL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov Oqsaroyda Italiya tashqi ishlar vazirining o'rinbosari Margarita Poniverni qabul qildi va uchrashuvda ikki tomonlama aloqalarni yanada rivojlantirishga oid hamda tomonlarni qiziqtirgan boshqa masalalar yuzasidan fikr almashildi.

UCHRASHUV

Yevropa Ittifoqi parlamentining Markaziy Osiyo mamlakatlari va Mo'g'iliston bilan aloqalar bo'yicha delegatsiyasi vakillari O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi raisi Erkin Halilov bilan uchrashib "O'zbekiston-El" parlamentlararo hamkorlik qo'mitasining shu yil 21 may kuni Samarqandda bo'lib o'tadigan to'rtinchi majlisi davomida ko'rilajak masalalar xususida fikr almashildi.

MUHOKAMA

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Byudjet, bank va moliya masalalari qo'mitasining kengaytirilgan yig'ilishida O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining 2002 yilgi faoliyati yakunlari, "Muddatida to'lanmagan soliqlar va boshqa majburiy to'lovlarni undirib olish to'g'risida"gi qonunning Farg'ona viloyatidagi ijrosi haqidagi masala muhokama etildi. Hamda qo'mita a'zolari tomonidan ushbu qonunga o'zgartishlar va qo'shimchalar kiritish bo'yicha takliflar tayyorlash, belgilangan tartibda uni Oliy Majlis Kengashi muhokamasiga kiritish maqsadga muvofiq deb topildi.

(Давоми 2-бетда)

ИРОДА, НАФОСАТ ВА МАҲОРАТ ТАНТАНАСИ

Шиддаткор ўйинлар бошланган кундан буён Хоразм воҳаси заминидан тафтини аямаётган қуёшнинг заррин нурлари аста-секин уфққа бош қўяётган вақтда «Хоразм» марказий ўйингоҳи томошабинлар, иштирокчилар билан лиқ тўлган эди. Камалак аксини кўрсатувчи шарлар тизими майдоннинг асосий олд қисмини эгаллаган. Тантанавор ва шўх куй таралиб, майдондаги юзлаб қизлар турли рақслар билан чиройли манзаралар ҳосил қилдилар. Ғолиб жамоалар вилоятлари ёзилган тахтача кўтарган атлас кўйлакли қизлар бошчилигида спортчи ўқувчилар майдонга чиқиб келдилар.

«Умид ниҳоллари — 2003»нинг Хоразм вилоятида ўтказилган мамлакат миқёсидаги финал босқичи ўз ниҳоясига етди. Тантананинг асосий қисми — ғолибларни тақдирлаш фурсати етди. Олти кун давом этган муросасиз, қизғин кечган ўйинлар натижаларига кўра 1-ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри терма жамоасига «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўлланган Президент табригининг асл нусхаси ва Президентимиз совғаси «Матиз» автомашинасининг калити ва 1-даражали диплом Хоразм вилояти ҳокими Ислом Бобожонов ва Халқ таълими вазири Рисбой Жўраевлар томонидан топширилди. Майдон олқишлару ҳайқириқларга тўлиб кетди. Барчанинг кўзида ёш, юзида табассум. 2-ўрин соҳиби бўлиш насиб этган Хоразм вилояти терма жамоасига Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комил Юсупов «Дамас» автоулови калитини ҳамда 2-даражали дипломни тантанали равишда топширдилар. 3-ўринни эгаллаган Фарғона вилояти терма жамоасига Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти Азиз Носиров 3-даражали диплом ва компьютер мажмуасини топширди.

Бундан ташқари бешта:

1. «Умид ниҳоллари — 2003» футбол юлдузи» (Мансур Авезов, Хоразм вилояти терма жамоаси аъзоси).
2. Ғалабага бўлган иродаси учун» (Наманган вилоят волейбол бўйича қизлар жамоаси).
3. «Нафосат маликаси» (Наргиза Пирназарова, Хоразм вилоят бадиий гимнастика бўйича терма жамоа аъзоси).
4. «Энг кўп медаллар соҳиби» (Антон Пишев (6 та медаль) Навоий вилоят сузиш бўйича терма жамоа аъзоси).
5. «Шижоат ва интилиш самараси» (Улуғбек Эркабоев, Фарғона вилоят кураш бўйича терма жамоа аъзоси) номидаги номинациялар бўйича ҳам ғолибларга махсус совғалар топширилди.

«Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» қўшиғи жўрлигида майдон узра Ўзбекистон байроғи иштирокчилар устидан тўлқинланиб, ҳилпираган ҳолда майдондаги барча ўқувчилар ягона байроқ остида бирлашдилар. Мушакбозлик билан «Умид ниҳоллари»нинг Хоразмдаги финал босқичининг байрам тантаналари ниҳоясига етди.

...Машъала сўнди. Бироқ унинг алангасидан чўғ олган ҳар бир иштирокчи қалбидаги ҳарорат ҳеч қачон сўнмагай! Машъала 2004 йили баҳорда Тошкент вилоятида яна порлайди!

(Қуйида «Умид ниҳоллари-2003» мусобақаларининг тафсилоти билан танишасиз).

"УМИД НИҲОЛЛАРИ" — БАРКАМОЛЛИК КЎЗГУСИ

Ҳар қандай мусобақа интиҳо топаётгани сари иштирокчилар юзида икки хил кайфият зухур этади: кўтаринкилик ва тушкунлик. Бироқ иродаси мустаҳкам спортчи ҳар икки ҳолатда ҳам эҳтиросини жиловлай олади. Бунга Урганчда бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг барча турларида иштирок этган спортчилар ҳам амал қилишга уринишди. Лекин барибир баъзи ўйинларда ёшлик шижоати устунроқ келиб, айрим спортчилар ўйин давомида қизиққонроқ ҳаракат қилишди. Жумладан, футбол мусобақаларининг дастлабки тур ўйинларидаги Жиззах-Андижон вилоятлари футболчилари ўртасида кечган беллашувда андижонлик икки нафар ўсмирнинг қизиққонлиги туфайли майдондан четлатилиши охирқибат жамоадошларига қиматга тушган бўлса (ҳисоб 1:0), ўғил болалар ўртасидаги кўл тўпи мусобақасининг Тошкент шаҳри — Сирдарё жамоалари беллашувида сирдарёлик спортчининг тошкентлик рақибига қўполлик ишлатиб, унинг майдонни эрта тарк этишини "таъминлаган" бўлса-да, сирдарёликлар мағлуб бўлишди: 32-10.

Уч кун давом этган футбол мусобақалари гуруҳ баҳсларида ҳар гуруҳдан қуйидаги иккитадан жамоа чорак финалга йўл олишди: А-гуруҳи: Хоразм, Қашқадарё; Б-гуруҳи: Тошкент шаҳри, Жиззах; С-гуруҳи: Бухоро, Наманган; Д-гуруҳи: Навоий, Тошкент вилоятлари.

18 май куни ўтказилган чорак финал ўйинларида жамоалар қуйидаги натижага эришдилар: Бухоро — Қашқадарё 3:0, Хоразм — Наманган 1:0, Тошкент шаҳри — Тошкент вилояти 2:0, Навоий — Жиззах 0:3.

Урганч давлат университети спорт мажмуасида ўтказилган кураш мусобақаси энг ҳаяжонли дамларга бой ўтди, десак янглишмаган бўламиз. Эртадан кечгача ўриндиқлари бўшамаган мажмуага бошқа спорт турлари мусобақаларидан бўшаган вилоятлар спортчилари-ю УрДУ талабалари интилишарди. 16 май куни 60

(Давоми 2-бетда)

«ҚУЁШЧА»ДА ИШ ҚИЗҒИН

Республика Марказий банкининг Андижон вилоят бошқармаси тасарруфида бўлган Бўз туманидаги «Қуёшча» болалар оромгоҳида ёзги мавсумда 400 нафарга яқин болаларнинг ҳордиқ олишлари учун тайёргарлик ишлари жадал олиб борилмоқда. Битта асосий ётоқ корпуси, 2 та қўшимча ётоқхона, ошхона, бассейн, ювиниш хоналари, спорт майдонлари ва

Taraddud

йўлаклари таъмирланди. Гулзорлар тартибга келтирилди.

Ҳозирда оромгоҳнинг маънавият ва маърифат хонаси, кутубхонаси янги адабиётлар билан бойитилмоқда. Марказий банк вилоят бошқармаси томонидан 3 миллион 635 минг сўмлик янги мебель жиҳозлари тортиқ этилди.

Дам олиш масканида ҳар йили олий маълумотли педагоглар, тиббиёт ходимлари мавсум мобайнида махсус режа асосида таълим-тарбия ва соғломлаштириш ишларини олиб борадилар. Турли маданий-маърифий кечалар, спорт мусобақалари ўтказилади.

Хуллас, ҳар томонлама тайёргарлик ишлари пухта олиб борилаётган «Қуёшча» бағри ҳадемай болаларга тўлади.

О.СИДДИҚОВ

2002-2003 o'quv yili — xalq ta'limi tizimi muassasalarida metodik xizmat ko'rsatishni takomillashtirish o'quv yili

ИЗЛАНУВЧАНЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Ўқитувчилар олдига қўйилаётган масъулиятли ва машаққатли вазифаларни амалга ошириш, ДТС талабларининг бажарилиши, ўқув дастурларининг тўғри ўзлаштирилиши учун таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш ниҳоятда зарурдир. Бу масалага 2001 йилда ўтказилган Республика ўқитувчиларининг I конференциясида катта эътибор берилиб, 2002-2003 ўқув йили" Халқ таълими муассасаларига методик хизмат кўрсатишни такомиллаштириш ўқув йили" деб эълон қилингани бежиз эмас.

Туманимизда 73 та умумий ўрта таълим мактаблари, 20 та мактабгача таълим, мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари ҳам ана шу кўрсатмалар асосида иш олиб бораётир. Халқ таълими бўлими методика хонаси қошида кенгаш тузилиб, таркибига методистлар, ўқув фанлари ва йўналишлари бўйича методика уюшмалари раислари жалб қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, туманимизда умумтаълим фанлари бўйича 14 та фан методика уюшмалари ташкил этилган. Мазкур уюшмаларнинг йиғилишлари ҳар ойнинг охирги ҳафтасида ўтказиб келинмоқда. Йиғилишларда фанлар бўйича очиқ дарслар, ўқувчиларнинг ўзлаштиришида вужудга келаётган муаммолар, фан янгиликлари, қизиқарли кечалар, тўгараклар фаолияти ва бошқа бир қатор таълим муассасаларида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинмоқда. Ўқув йили давомида I нафар ўқитувчининг ижоди вилоят миқёсида, 16 нафар ўқитувчи ва тарбиячининг ишлари китобча ҳолида туман миқёсида оммалаштирилди.

Туманимиз ҳудудининг катталиги, мактаблар сонининг кўплигини ҳисобга олган ҳолда халқ таълими бўлимининг қарорига асосан 6 та — 1, 3, 6, 8, 50, 60-умумий ўрта таълим мактабларига таянч мактаблари мақоми берилди. Таянч мактабларининг барчасида методика хоналари ташкил қилиниб, ўқитувчилар учун керак бўладиган барча меъёрий ҳужжатлар етказиб берилди. Таянч мактабларига бириктирилган мактаб ўқитувчилари учун ҳар ойнинг охирги ҳафтасида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилаётир. Туманимизда фаолият кўрсатаётган илғор тажриба мактабларига 30 нафар тажрибали ўқитувчилар жалб қилинган. 6 та ҳудудий мактабларда эса ўқитувчиларга ҳар ҳафтада бир кун назарий методик ёрдам кўрсатилаяпти.

Эътиборлиси, гуруҳ аъзолари томонидан 40 та умумий ўрта таълим мактаби, 6 та мактабгача таълим муассасалари ўрганилганида 1, 3, 6, 15, 25, 31, 34, 37, 50, 60- умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия борасида олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эканлиги аниқланди. Шунингдек, бу борада айрим камчиликлари мавжуд мактабларга методика кенгаши аъзолари томонидан маслаҳат ва амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Олиб борилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермай қолмади. Буни фанлар бўйича вилоят олимпиадаси натижаларидан кўрсак бўлади. Ўтган йили туманимиз вилоят фанлар олимпиадасида 6-ўринни эгаллаган бўлса, 2003 йил 2-ўринни қўлга киритди. Вилоят III-босқич фанлар олимпиадасида IX-X-XI синфлар бўйича жами 19 та фахрли ўринларга эга бўлиб, 7 ўқувчи IV тур Республика фанлар олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Март ойида ўтказилган IV-тур Республика фанлар олимпиадаси натижаларига кўра, 2 ўқувчи, яъни 1-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Ирода Ҳамдамова она тили ва адабиёт фанидан 2-ўрин, тумандаги 2-иқтидорли болалар мактаби 11-синф ўқувчиси Нодир Ходжаев география фанидан 2-ўринни эгаллади. 50-умумий ўрта таълим мактаби 11-синф ўқувчиси Руслан Кенжаев эса рус тили ва адабиёти фанларидан Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида ўтказиладиган 2-Халқаро танловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу ютуқлар барча таълим муассасаларига берилаётган амалий методик ёрдам ўз натижасини бераётганлигидан далолатдир.

Туман халқ таълими бўлими методика хонаси, умумтаълим мактабларида, мактабгача, мактабдан ташқари таълим муассасаларида методика ишларини ривожлантиришга янада эътиборни ошираётир. Алалхусус, бу йўналиш таълим-тарбияда сифат босқичини таъминловчи муҳим омил эканлигига барча амин бўлди.

Абдували ХОЛМУРОДОВ,
Зомин тумани халқ таълими бўлими методика хонаси мудири

Olimpiada

НУФУЗЛИ БОСҚИЧДАГИ КУРАШЛАР

Олимпиада — бу синов, бу ижобий маънодаги рақобат, кураш. У нафақат спорт соҳасида, балки фанлар бўйича ҳам ўтказилади. Муддао нимадан иборат? Аввало, билимнинг оммавийлигини таъминлаш бўлса, бунинг орқасидан ёшлар ўртасида илм эгаллашга нисбатан рағбатни ҳам кучайтириш кўзда тутилади. Шу жиҳатдан олганда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2001 йил 3-сонли буйруғига кўра, ҳар йили ўқув ва мутахассислик фанлари бўйича республика талабалар олимпиадаси ўтказилмоқда. 117 та йўналиш бўйича ўтказилаётган бундай олимпиадаларнинг I-босқичи ҳар бир ОТМнинг ўзида бўлиши керак. Ва унда ҳар йили 9-10 минг нафар талаба иштирок этмоқда. Олимпиаданинг 2-республика босқичида ўтган йили 3080 нафар талаба иштирок этган бўлса, бу йилги рақам ҳам шундан кам эмас.

МЕЗБОНЛАРНИНГ ҒАЛАБАСИ

Иқтисод сиёсатдан ҳамиша устун туради. Бу — республика Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган бешта тамойилнинг бири. Модомики, иқтисод сиёсатдан устун турар экан, бунга маълум маънода замин яратувчи таълим ҳам ўз вазифасини аъло даражада уддалаши керак бўлади. Иқтисод йўналишидаги фанлар эса шунчалик кўпки, аслида у бошқа фанларнинг ўзагига жойлашиб олгандек бир тасаввур ҳам уйғотади.

Талабаларнинг иқтисодга доир ўқув ва мутахассислик фанлари II-босқич олимпиадасининг учта — Тошкент давлат иқтисодиёт, Жаҳон иқтисодиёти ва Дипломатия университетлари ҳамда Тошкент молия институтида ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Гарчанд бу учала муассаса иқтисодий йўналишда бўлса-да, уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари борлигини ҳам эътироф этиш керак.

Хусусан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтган олимпиада ҳам кишига маълум хулосаларни беради. "Хусусийлаштириш", "Статистика", "Иқтисодий ахборот ва автоматик бошқариш тизимлари", шунингдек, хорижий тилларнинг ёш иқтисодчилар томонидан қанчалик даражада эгалланаётганлигига қаратилган синовларда 28 та олий ўқув юртидан 73 нафар талаба иштирок этди. Табиийки, бу босқичга ўзига ишонган, кўнглида биринчи ўринни эгаллаш истаги жўш уриб турган ёшлар келишган. Аммо юқори ўрин ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

(Давоми 6-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

СИНОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ КЕТАЯПТИ? 3-бет

ҲУНАРСИЗ КИШИ ҲАМИША ФОЙДАСИЗ БЎЛУР 4-бет

АСРЛАР УЧРАШГАН ЖОЙДА 5-бет

БИЛГАНИНИ ЎРГАТМАСЛИК — ИЛМДАГИ ХИЁНАТ 6-бет

«ОРОМ» СКАНВОРДИ 8-бет

O'qituvchi yon daftariga

UZOQ UMR SIRI

Rossiyalik olimlarning ta'kidlashlaricha, inson organizmini yashartirish uchun hujayralarni yangilash lozim. Mutaxassislar tanadagi biriktiruvchi to'qimalarning o'lmaydigan hujayralarini yaratishga muvaffaq bo'lishgani ham muhim yangilik. Professor Gerxard fon Klikening aytishicha, fanda erishilgan yutuqlar yaqin kelajakda odam umrining 150-160 yilga uzayishiga imkon yaratadi.

UYQUSIZ HAYOT

Tibetda yashayotgan budda monaxi 86 yildan beri uyqusiz hayot kechirar ekan. Bu holatni o'rganayotgan olmoniyalik olim Bernard Xoltslinning ta'kidlashicha, monax organizmi zarur paytda uyqu holatiga o'tadi, biroq uning miyasi uyg'oq bo'ladi va u ongli muomala layoqatini yo'qotmaydi. Tadqiqotchilar monax sir-sinoatini ocha olishsa, uyqusiz hayot kechirish barcha uchun oddiy holga aylanishi mumkin.

SHOVQINDAN SAQLANING!

Yapon fiziologlarining tajribalari shuni ko'rsatmoqdaki, shovqin ta'sirida odam organizmidagi piomin nomli darmondori keskin kamayib ketadi. Shu bois, shovqinda odam o'zini yomon his qiladi. Mutaxassislar sershovqin joyda ishlovchilar uchun piomin o'rnini qoplovchi sabzi, tuxum, sut iste'mol qilish maqsadga muvofiqligini ta'kidlamoqdalar.

Bo'lib o'tayotgan sport turlari o'yinlari ichida nafosat va san'atga, kishi qalbini go'zallikka chulg'ovchi o'yinlar badiiy gimnastika o'yinlaridir.

Xalqimizda o'zbekchilik, qiz bola unday bo'lishi kerak, bunday bo'lishi kerak, degan gaplar bor, shunday holatlar, xususan ota-onasi musobaqalarga borishiga, uzoq yurtlarga ketishiga qarshilik qilgan paytlar bo'lganmi.

ИРОДА, НАФОСАТ ВА МАҲОРАТ ТАНТАНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

кг. вазнда хоразмлик Сардор Абдурайимов ва бухоролик Малик Қодировлар 1-ўрин учун курашаётган пайтда кураш бўйича жаҳон чемпиони, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими директори Баҳром Авазовдан "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари ҳақидаги фикрини сўрадик.

— Мана шу кунларда кураш ва бошқа мусобақаларни кузатаётиб, беихтиёр мен ва мен тенгимдаги авлоднинг мактаб ўқувчилиги даврини эсладим. Бу орадаги тафовутни ўзингиз ҳам биласиз. Бугун ёшлар учун барча имкониятлар эшиги очиқ. Мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг ўтказилиши ҳам шу мақсадни кўзлайди, деб ўйлайман. Негаки, болалар спортини ривожлантириш юртимиз спорти пойдеворининг тамал тошидир.

— Баҳром ака, Урганчга фақат кураш мусобақасини кўриш учун келдингизми ёки...

— Гарчи курашни кўнглимга энг яқин олсам-да, жойларга чиқиб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган бошқа спортчиларни ҳам қўллаб-қувватлаб турибман.

Қисқа мулоқотимиз ҳам тугаб улгурмаёқ Сардор Абдурайимов рақиби Малик Қодиров устидан ғалабага эришиб, устозлари-ю яқинлари қурашовида қолди. Бироз вақт ўтиб, ҳаяжонлар босилгач, ғолибни суҳбатга тортдик.

— Ўтган йили Фарғонада бронза медалини қўлга киритгандим, — дейди ғолиб, Боғот туманидаги 6-мактабнинг 10-синф ўқувчиси. — Эндиги мақсадим, худо хоҳласа, нафақат "Универсиада" спорт ўйинлари, балки жаҳон миқёсида мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришдир. Бунга ўз-ўзидан эришиш мумкин эмаслигини билган ҳолда қатъи ҳаракат қилмоқчиман.

Урганч туманидаги "Пахтакор" касб-ҳунар коллежида ўтган стол тенниси мусобақаларининг сарани сарага ажратаётган бир маҳал — саралаш ўйинларида ҳолатларни белгилаб ва баҳолаб борувчи шахслар — ҳакамлар гуруҳидан ҳам мусобақа жараёни хусусида сўрадик.

— Ўйинлар ўтказиладиган жой ҳам, ётоқхона шароити ҳам яхши танланган ва мусобақа меъёрида ўтаётир, — дейди бош ҳакам, республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, спорт фахрийси Иброҳим Имомжонов. — Мусобақа жараёнида ҳам ўтган йилги Фарғонадаги каби ҳакамларга бирор-бир эътироз билдирилмаяпти. Бу эса ҳакамлар гуруҳининг кўнгилдагидай ишлаётганини билдиради ва бундан биз мамнунмиз, албатта.

Ёш теннисчилар орасида опасингил — Фотима ва Зуҳра Қосимовалардан ўтган йилги натижалар такрорландими, деб сўраганимизда, улар бу йил ўтган йилдагига нисбатан ўсиш кузатилган Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд ва Фарғона жамоалари асосий ўринлар учун курашишини таъкидлашди. Ва ниҳоят мусобақа тугагач, эгизак қизлардан олтинчи ўрин билангина кифояланганликлари сабабини суриштирдик.

— Спорт шуниси билан қизиқки, — дейди ўтган йили Фарғонада ўтказилган спорт ўйинлари жуфтлик мусобақаси ғолиблари бўлган опа-сингиллар, — бу йил сен ғолиб бўлсанг, кейинги йил бошқа биров зафар қучади. Шундай бўлса-да, биз тушкунликка тушмаймиз. Чунки ҳали мақсадимиз улкан — келажакда стол тенниси бўйича жаҳон миқёсида зафарлар қучиш.

Шовот маиший хизмат коллежида ўтган шахмат мусобақалари ҳам ақл курашларига бой тарзда ўтди. Беллашувлар ўтаётган залга киришимиз билан нигоҳимиз ўртароқда ўзидан ёши каттароқ рақиби билан ақл майдонида жанг қилаётган қорачадан келган болага тушди. Ўз навбатида дона суриб, рақиби юргунча ўтадиган вақтдан фойдаланиб, жамоадошлари ўйнаётган тахталарга кўз югуртираётган ўқувчини секин ёнимизга имлаб чақириб, саволга тутдик.

— Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 54-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Ақтам Рўзиқулов бўламан, — дейди рақибининг ҳали ҳам ўйланиб турганига боқаркан ёш спортчи.

— 3-синф экансиз. Жамоадошларингиздан қолган уч киши билан вилоят шарафини ҳимоя қилиш сиз учун оғирлик қилмаяптими?

— Оғирлик қилмаяпти-ю, лекин тажриба борасида бироз қийналаётганим рост.

— Ишончни оқлай олаяпсизми?

— Ҳаракат қилаяпман. Ҳар ҳолда бу мусобақага бекорга келмаганимни исботлашга интилаяпман.

— Омад ёр бўлсин.

ЭНГ НАФИС ЎЙИН ЯКУНИ

— Бадиий гимнастика билан ҳар бир қиз шуғулланиши лозим, у қоматни кўркам, баданни соғлом, руҳни етук қилиб шакллантиради. Спорт турлари ичида энг нафис тури ҳам шу, — деб жавоб беради Урганч шаҳридаги 8-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Наргиза Пирниязова.

Дарҳақиқат, бўлиб ўтаётган спорт турлари ўйинлари ичида нафосат ва санъатга, киши қалбини гўзаликка чулғовчи ўйинлар бадиий гимнастика ўйинларидир. Куни кеча мазкур мусобақалар ўз поёнига етиб, бадиий гимнастика саройида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри, 2-ўрин соҳиби Навоий вилояти ва 3-ўринни қўлга киритган Хоразм, Бухоро вилоятлари жамоаси қизларига қимматбаҳо совғалар ва дипломлар, ғолиб жамоа мураббийларига ҳам алоҳида совғалар топширилди. Тақдирлаш маросимида бадиий гимнастика федерацияси раиси М.Азимова, ХТВ ўринбосари У.Мусаев, вилоят ҳокими ўринбосари Ш.Хўжаниёзова, Урганч шаҳар ҳокими Ж. Ўтамовлар қатнашдилар.

ҒОЛИБЛАР НОМИ АНИҚЛАНМОҚДА

Мана шундай тароватли баҳор кунларида Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангуберди, Ал-Хоразмий каби дунёга донғи кетган аждодларимиз Ватани бўлмиш Хоразм воҳасида умумтаълим мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт, дўстлик ва гўзаллик мусобақалари қизғин тарзда, муросасиз баҳслар асосида ўтмоқда.

Хусусан, қизлар ўртасида Урганч мелиорация ва сув хўжалиги коллежининг спорт мажмуасида бўлиб ўтаётган волейбол бўйича баҳсларга тўхталиб ўтсак. Бу саралаш мусобақаларида иштирок этиб, чиройли, шиддатли ўйин кўрсатаётганликлари боис бўлса керак, томошабинлар ҳам анчагина. Майдонда қизғин ўйинларга ҳозирлик кўраётган қизларнинг ҳечам қўрқмасдан ўмбалоқ ошиб, икки букилган ҳолда бажараётган мураккаб машқларини кўриб, уларнинг ҳақиқатдан ҳам жиддий тайёргарлик кўрганликларини англадик. Ҳакам Ботиржон Охунов наманганлик қизларнинг бу кучли ва аҳил жамоаси ҳақида маълумот берди. Шундан сўнг айлана ҳосил қилган ҳолда югуриб оёқлари ва қўлларини "тайёрлаётган" қизларнинг олдига бориб уларни суҳбатга тортдик.

— Мен Фароғат Сотиева бўламан, — деб жавоб берди истараси иссиққина, мулойим жилмайиб турган қиз. — Ҳозир қорақалпоғистонликлар билан беллашамиз. Ўйлайманки, ғалаба бизга ёр бўлади, кўрган тайёргарликларимиз, мураббийларимизнинг машаққатли меҳнатлари зое кетмайди.

Дарҳақиқат, бу жамоанинг зафар қучишига ишониш керак, улар ўтган йилги Фарғонадаги "Умид ниҳоллари" спорт беллашувларида Тошкент шаҳри волейболчи қизлар жамоасидан озгина фарқ билан ортда қолган эдилар. Уларнинг кучли ва уюшқоқ, аҳил жамоа эканлигини ўйинни кузатган ҳар бир томошабин эътироф этмоқда.

Наманган вилояти, Янгиқўрғон туманидаги Исковут қишлоғида туғилиб, вояга етаётган бу қизларнинг барчаси 26-мактабда таълим олишади. Мураббий Исмоил Асадов қизларга устозлик қилиш билан бирга, уларнинг энг яқин маслаҳатчиси, дўсти бўлиб қолган.

Халқимизда ўзбекчилик, қиз бола ундай бўлиши керак, бундай бўлиши керак, деган гаплар бор. Шундай ҳолатлар, хусусан ота-онаси мусобақаларга боришига, узоқ юртларга кетишига қаршилик қилган пайтлар бўлганми, деган саволимизга Исмоил ака қатъи равишда "Йўқ, ҳеч қачон бундай ҳолатга дуч келмаганман, чунки ўтган йилги "Умид ниҳоллари"да туман, вилоят миқёсидаги бир қатор мусобақаларда қизларининг шон-шуҳратга бурканаётганлигини кўрган ота-оналар, аксинча, ўзлари вокзалга келиб кузатиб қўйишди. Маҳалламизнинг ёшу кексаси қўлини дуога очиб, қизларга омад тилашди. Баъзи ота-оналар қизларига таянч бўлиш мақсадида Хоразмга бирга отланишди.

Энг жонли тарзда ва шиддатли кечган беллашувлар натижасида наманганлик волейболчиларга омад кулиб боқди. 0:3 ҳисоби билан қорақалпоғистонлик тенгдошларини ортда қолдирган бу жамоа кейинчалик навоийлик қизлар жамоаси билан майдонга тушди. Бухоролик Азиз Саидов ва Иззат Зоҳидовлар ҳакамлик қилган бу учрашувда Наманган жамоаси ғолиб чиққан ҳолда финал учрашувида Тошкент шаҳри волейболчи қизлари билан беллашадиган бўлдилар. Ва, ўтган йилги ҳолат такрорланиб, бу иккала кучли, рақиб жамоанинг учрашуви анча қизиқарли кечди ҳамда Тошкент шаҳри жамоаси 13 очко билан 1-ўринни, 11 очко билан наманганлик волейболчи қизлар 2-ўринни, 10 очко билан мезбонлар учинчи ўринни эгаллашди.

ХИВАДАН ДЎППИ КИЙИШДИ

Урганч шаҳридан 20 км. узоқликда жойлашган Янгибозор тумани халқи "Умид ниҳоллари — 2003" спорт мусобақаларининг белбоғли кураш иштирокчилари ва мухлисларини ўз бағрига чорлади. Янгибозор спорт коллежида юзлаб мухлисларга завқу шавқ улашган мазкур мусобақаларда барча вилоятлардан келган ёш полвонлар ўз вазн тоифаларида гиламга тушдилар. Бирин-кетин рақибларининг белбоғидан ушлаб йиқитиб ташлаётган полвонлар номи аниқлана бошланди. Чала баҳоси билан очко тўплаб, ғолиб бўлаётган болалар ҳам севинчдан кўкка сапчирдилар. Боиси, Сирдарё вилояти жамоасининг мураббийси Қ.Турдиев таъкидлаганидек, болалар вақт ўтиши билан бақувват бўлиб, профессионал спортчилардек муваффақиятларга эришмоқдалар.

— Ўтган йили Фарғонада кўрган ўқувчиларни ҳозир таниёлмаяпман. Бир йил ичида малакаларини ошириб, катта тайёргарлик кўрганликлари сезилиб турибди.

Дарҳақиқат, шундай. Қизғин ва шиддаткор беллашувларда ғолиб чиққан полвонлар ва ғолиб жамоа мураббийлари 1-2-3-даражали дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Белбоғли кураш тури бўйича иштирок этган ёш спортчиларнинг яшаш шароити, қулайликлари билан танишиш мақсадида Янгибозор туман саноат касб-ҳунар коллежига қадам ранжида қилдик. Иштирокчиларнинг овқатланиш хоналари, яшаш, дам олиш жойларини кўздан кечирар эканмиз, бошига чиройлигина, ипакдан тўқилган дўппи қўндириб олган иккала ўспиринга кўзимиз тушди. Улардан дўппи ҳақида сўраганимизда Хива шаҳрига зиёратга борганликлари, уйидаги яқинларига совға сифатида сотиб олганликларини айтишди. Фарҳод Раҳмонов ва Руслан Умаровларнинг Хива шаҳри тарихий обидаларининг қадимийлиги ҳақида тўлқинланиб гапираётганлигини кўрар эканмиз, мазкур спорт беллашувларининг нафақат чиниқтириши, балки дўстлик ва ўзаро ҳурмат, бошқа ҳудуднинг урф-одат, анъаналарига қизиқтириб, улар билан яқиндан таништириши, ўлкашунослик борасида билимларини бойитишининг яна бир бор гувоҳи бўлдик.

ЁМОН КЎЗДАН АСРАЙДИ!

Урганч шаҳридаги олимпиа заҳиралари спорт коллежининг биноларидан ва "Хоразм" марказий ўйингоҳи дарвозасидан кирар эканмиз, ҳар гал эшик пештоқи бурчагига илинган қизил қалампирга кўзимиз тушарди. Халқимизда қадимий тарихимиздан мерос анъаналаримиз мавжуд бўлиб, шулардан бири — қалампир ёмон кўздан, турли инс-жинслардан асраган. Момоларимиз янги қурилган уйларга, келин тушган, чақалоқ туғилган хонадонларга қалампир, исириқ осиб қўйишган. Хоразм ҳам том маънода катта тўйга мезбонлик қилмоқда. Шу тўйлар баҳонасида янги-янги спорт иншоотлари, стадионлар барпо қилинди. Воҳага ярашиб турган, келажак ниҳоллари саналмиш ёш авлодларга мерос бўлиб қолажак иншоотларга илоҳим кўз тегмасин!

Урганч шаҳридаги янги кўриниш ва айрича чиройга эга "Хоразм" спорт мажмуасида ўтган енгил атлетика мусобақаларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Замонавий услубларда бунёд этилган югуриш йўлакчалари спортга ошно бўлмаган ёшларнида спортга қизиқтира оладиган даражада чиройли. Ана шу югуриш йўлакчалари жозибаси билан қизлар ўртасида 100 метрга югуриш мусобақасида ғолибликни қўлга киритган Самарқанд вилояти вакили Гаяна Бегларян номи ўйингоҳ узра эълон қилинган бир маҳалда ёнимизда ўтирган милиция ходимидан "Умид ниҳоллари"

спорт ўйинларининг аҳамияти тўғрисидаги фикрини билишни истадик.

— Хоразм вилояти патрул пост хизмати батальони махсус гуруҳи командири, милиция капитани Руслан Бакиевман, — дея ўзини таништирди суҳбатдошимиз. — Албатта, бундай мусобақалар ўқувчилар учун жуда зарур. Мана, "Универсиада" ўтган Наманган, "Умид ниҳоллари"ни биринчи бўлиб қабул қилган Фарғона вилоятлари эришаётган ғалабаларни олинг. Бунга ўша мусобақалар ўтказилиши туфайли қурилган спорт иншоотлари сабаб бўлмаяптими? Насиб этса, Хоразм воҳаси спорти ҳам яқин йилларда янада кўтарилишга эришишига ишонамиз.

Маълумки, 16 майдан бошлаб, ҳар куни оқшомда вилоят марказидаги "Авесто" мажмуасида ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказиб келинмоқда. Ғолибларга мукофотларни Халқ таълими вазирлиги ва Хоразм вилояти мутасаддилари топширишди. Ана шундай жараёнлардан бирида ғолибларни тақдирлаган Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пакдан ҳам мамлакатимиздаги спортга бўлган эътибор ва унинг илк натижалари мана шундай мусобақаларда кўринмаяптими, деб сўрадик. "Албатта, — дейди мураббий, — мен "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларини кичик олимпиада деб биламан. Шунингдек, бундай мусобақаларнинг тизимли тарзда ўтказилишида ҳам ёруғ келажак орзуси ётади».

Нурлан УСМОНОВ,
Шерали НИШОНОВ,
Назокат ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» мухбирлари

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

KO'RGAZMA

"O'zekspomarkaz"-da ochilgan Italiyaning "Interekspo Ekzibishn" kompaniyasi, mazkur mamlakatning O'zbekistondagi elchixonasi hamda tashqi iqtisodiy aloqalar agentligi bilan hamkorlikda tashkil etgan "EXPOITALIA-2003" ko'rgazmasida qishloq xo'jalik mahsulotlarini qayta ishlash uskunalari, to'qimachilik sanoati jihozlari, mebellar, shuningdek, tayyor nooziq-ovqat mahsulotlari namoyish etilmoqda.

HOMIYLIK

Berdaq nomidagi Qoraqalpog'iston davlat universiteti Xo'jayli tumanidagi Mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilarini o'z homiyligiga olgan va Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni oldidan universitetning professor-o'qituvchilari Mehribonlik uyi tarbiyalanuvchilari huzurida bo'lib, tarbiyalanuvchilarga sovg'alar topshirdi.

ANJUMAN

Respublika Fanlar akademiyasining akademik S.Yunusov nomidagi O'simlik moddalari kimyosi institutida tabiiy birikmalar kimyosi bo'yicha o'tkazilayotgan beshinchi xalqaro anjumanda tabiiy birikmalarni ajratish, kimyoviy tuzilishini aniqlash, ularning sintezini amalga oshirish, kimyoviy o'zgarishlarini tadqiq qilish, moddalarni olish texnologiyasini yaratish, ularning kimyoviy tuzilishi bilan biologik faolligi o'rtasidagi bog'liqlikni o'rganish hamda tabiiy holdagi tibbiy preparatlar va biologik faol qo'shimchalarni xalq xo'jligida qo'llash masalasi muhokama etiladi.

TAHLIL

Amerika xalqaro sog'liqni saqlash uyushmasi, AQSH xalqaro taraqqiyot agentligi (YUSAID), Ta'lim orqali rivojlanish akademiyasi, Zdrav Plyus hamkorligida Almatida o'tkazilgan xalqaro anjuman hamshiralik ta'limning Markaziy Osiyo mintaqasida dastlabki tibbiy sanitar yordam sohasida o'tkazilayotgan islohotlarning muhim bo'g'ini sifatida ko'rib chiqdi va "Markaziy Osiyo respublikalarida tibbiy hamshira: ta'lim va amaliyot" mavzuida o'tkazilgan ushbu anjumanda Qozog'iston, O'zbekiston, Qirg'iziston, Tojikiston va AQShdan kelgan sog'liqni saqlash, hamshiralik ta'limi, shuningdek hamshiralik ishi bo'yicha Markaziy Osiyo respublilalari muvofiqlashtiruvchi kengashi a'zolari ishtirok etdi.

МАКТАБЛАРДА ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ

Seminar

Навоий вилоятидаги мавжуд умумий ўрта таълим мактабларининг учдан бир қисмини қозоқ тилида сабоқ берувчи ўқув масканлари ташкил этади. Таълимни ислоҳ қилишга қаратилган вазифа ва талабларни бажара бориб қозоқ тилида ўқитиладиган мактабларда халқ педагогикасидан фойдаланилган ҳолда таълим-тарбия беришга катта эътибор қаратилмоқда. Қувончлиси шундаки, мустақиллик туфайли қозоқ тилида ўқитиладиган мактабларда ҳам ўқувчиларга унутилиб бораётган миллий-маданий қадриятлар ва урф-одатларни чуқур англата боришга имкониятлар яратилди. Овуллардаги хонадонларда, ўтовларда дўмбира жўрлигида қозоқча ўланлар, термалар, ёр-ёрларни эшитганнингизда бу сурур ёшларда ўзгача ғурур уйғотиши, она Ватани, халқига меҳру муҳаббатини ўстиришга хизмат қилишига амин бўласиз.

Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда вилоят педагогларини қайта тайёрлаш ва малкасини ошириш институти ҳамкорликда ташкил этаётган илмий-амалий семинар ҳам ўқитувчиларнинг ана шу борадаги тажрибаларини кенгайтиришга қаратилган.

Яқинда ана шундай анжуман Учқудуқ туманидаги мактабда «Қозоқ тили ва адабиёти фанини халқ педагогикасидан фойдаланиб ўтиш» мавзусида бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари мазкур илм масканида қозоқ тили ва адабиёт фанидан сабоқ бераётган ўқитувчиларнинг замонавий усуллардан фойдаланиб ўтган очиқ дарс соатларини кузатдилар. Тадбир аҳлига муаллимлар Гулмира Есқабулованинг «Саҳна дарси», Гулимхон Тойлибоеванинг «Мусобақа дарси», Олтин Болтаеванинг «Саёҳат дарси» жуда манзур бўлди. Зеро, «Узук солиш», «Арқон тортиш», «Беш тош». «Топишмоқ топиш» каби халқ ўйинларидан фойдаланиб ўтиладиган ўйин дарслари ўқувчиларни мантиқий фикрлаш, мушоҳада юритиш, топқирлик, чаққонликка ундаши шубҳасиз.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Янгиқўрғон қишлоғида яшовчи Акбарали ЎТАЕВдан

Савол: — Ўқитувчилар ва техник ходимларнинг ойлик маошларини мактаб директори шахсан ўзи тарқатиши жоизми?

Жавоб: — Агар туман халқ таълими бўлимининг "Ойлик иш ҳақларини тўғишли таълим муассасалари раҳбарлари шахсан тарқатиши тўғрисида" алоҳида буйруғи бўлмаса жоиз эмас. Бу юмуш кўп ҳолларда мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари томонидан бажарилади.

Хоразм вилояти Қўшкўпир туманида яшовчи А.Раҳмонов ва Г.Матёқубовадан

Савол: — Қизимиз университетда шартнома асосида ўқияпти. Биз ўз иш ҳақимизни қизимиз ўқиётган олий ўқув юрти ҳисоб рақамига унинг таълим олиши учун шартнома тўлови сифатида ўтказишимиз мумкинми?

Жавоб: — Мумкин. Сиз ўз ойлик иш ҳақингизни қизингизнинг таълим олиши учун шартнома тўлови сифатида университет ҳисоб рақамига ўтказиб беришларини сўраб туман халқ таълими бўлими ҳисобхонасига ариза билан мурожаат қиласиз.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

Davraga kasrning umumiy ko'rinishini aks ettirgan jadvalni bo'yniga osgan, kasr vazifasini bajaruvchi o'quvchi chiqadi.

Ha, albatta, puxta o'ylab, rejali qilingan ish yaxshi samara beradi. Umumta'lim maktablari o'quvchilari ham oldilarida turgan sinovlardan muvaffaqiyatli o'tadilar, degan umiddamiz.

Tanlov

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИ»

у чет эллик мутахассислар томонидан аниқланди

Ўқитувчининг билим ва маҳоратини ошириш — ўқувчи эртасига тайёрланган заминдир. Зеро, устоз илми — шогирднинг бойлиги. Юртимизда мана етти йилдирки, фаолият кўрсатиб келаётган республика инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси айни мақсадларда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда унинг аъзолигига қабул қилинган уч мингга яқин мазкур фан ўқитувчилари тил ўқитишнинг замонавий усуллари билан қуролланган ҳолда, вилоятларнинг турли таълим масканларида ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқдалар. Хўш, чет эллик, қолаверса, маҳаллий етакчи мутахассислар кўмагида инглиз тилини умумий ўрта таълим ёки олий мактаб партасида ўтирган толиби илмларга ўргатишнинг янги — интерактив ва коммуникатив методларини ўзлаштирган ўқитувчиларимиз фаолияти замон билан нақадар ҳамоҳанг?

Айни саволга жавоб излаш мақсадида яқинда мазкур ассоциация томонидан «2003 йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси» кўрик-танлови ўтказилди. Эътиборлиси, танловда асосий диққат-эътибор ўқитувчиларнинг касб маҳорати, дарс ўтиш санъатига қаратилган бўлиб, уни чет эллик мутахассислар баҳолаб боришди.

Таъкидлаш лозимки, танловнинг дастлабки босқичлари вилоятларда ўтказилган бўлиб, ҳар бир ҳудуддан энг намунали дарс ўтиш услубига эга уч нафар ғолиб ўқитувчилар танлаб олинди. Кейинги босқичда эса, уларнинг бир соатлик дарс режалари ҳамда «Инглиз тили ўқитувчиси қандай сифатларни ўзида мужассам этиши керак?» мавзусида инглиз тилида ёзган ижодий ишлари таҳлил қилингач, Республика босқичида иштирок этиш шарафини қўлга киритган 9 нафар иштирокчи аниқланди.

—Ҳар бир дарс —катта бир санъат асари, — дейди биз билан суҳбатда Республика инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси президенти Аббос Ирисқулов. — Шу боис, у ўқитувчидан катта ижодий изланиш талаб қилади. Мазкур кўрик-танловнинг республика босқичида эса муболагасиз айтиш мумкинки, такрорланмас йирик ижод намуналари намойиш этилди. Бу эса ҳатто чет эллик мутахассисларга ҳам ғолибни аниқлашида анчайин қийинчилик туғдиргани рост.

Танлов ниҳоясида йилнинг энг яхши инглиз тили ўқитувчиси номи аниқланди. Унга кўра, бу шарафга Тошкент вилоят педагогика институти инглиз тили ўқитувчиси Тцерт Инга сазовор топилган бўлса, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси Хайринисо Маматқулова ҳамда Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги 6 - сонли лицей ўқитувчиси Гулчеҳра Ва́исовалар рағбатлантирувчи ўринларни эгаллашди.

Ғолибларга АҚШ элчихонаси, СОРОС фонди, Британия Кенгаши, АКСЕЛС, АЙРЕКС каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Баходир ЖОВЛИЕВ
«Ma'rifat» мухбири

САХИЙЛИК ОМАД КЕЛТИРАДИ

Saxovat

"Қумраобод" кичик фермер хўжалиги раҳбари Ботирали Ўринов ҳомийлигида 9-умумтаълим мактаби ўқувчиларига "Беҳруз" мукофоти стипендия шаклида бериладиган бўлди. Аъло баҳоларда ўқийдиган 5-,11-синф ўқувчилари ҳар ойнинг охирида турли фанлардан тест асосида имтиҳон қилинади. Ғолиблар, яъни 10 нафар ғолиб чиққан ўқувчиларга 2 минг сўмдан пул мукофоти берилади.

Ҳар ойнинг 24 санаси куни мактаб ҳовлисида йиғилиш бўлиб, 20 минг сўмлик мукофот ўқувчиларга тарқатилади. Мактабимиз жамоаси ва ўқувчилари Ботирали Ўриновдан чексиз миннатдордирлар.

Мирзо ВАФОЕВ.
Ғиждувон тумани

Tashabbus

КИТОБ ҲАДЯ ЭТИШГА ҚАРОР ҚИЛДИК

Ҳаётимиздаги энг ҳаяжонли дамлар, яъни Сўнгги қўнғироқ янграшига саноқли кунлар қолди. Биринчи устоз, жонажон мактаб, дўстлар билан ҳайрлашиш онлари тобора яқинлашмоқда! Ана шу ҳаяжонли дамларда барчангизга мустақил ҳаётга қўяётган қадамларингиз қутлуғ келишини ният қиламиз.

Бугун мактаб билан хайрлашар эканмиз, алифбонинг биринчи ҳарфларини ўргатган, жажжигина қўлимизга қалам тутқазган азиз устозларимизнинг меҳнатларига тасаннолар айтгимиз келади, уларга бутун борлиқни, дунёдаги барча эзгуликларни ҳадя этгимиз келади. Айни дамда ўзимизнинг барча яхши ниятларимиз, истакларимиз китобларда, шеърларда, достонларда битилганига ишонч ҳосил қилдик ва гимназиямиз кутубхонасига укажонларимиз, сингилжонларимиз, устозларимиз бизни эслаб юришлари учун китоблар ҳадя этишга қарор қилдик. Чунки китоб — илм чироғи дейишади. Биз бу фикрни тўлдириб, китоб — маънавият чироғи ҳам деган бўлардик. Албатта, кўп китоб ўқиган инсоннинг маънавияти бой бўлади, юзидан нур ёғилади.

Шунинг учун ҳам биз барча ўқувчиларни бадиий асарларни кўпроқ ўқишга, улардан олган таассуротлари натижасида ҳаётга тийрак кўз билан қарашга даъват қилган бўлардик.

Ўқувчиларнинг гавжум маконларидан бири — кутубхона, шубҳасиз. Мактаб кутубхоналаридаги бадиий асарларни ўқиб бўлгач, биз кўпинча китоб дўконларидан асарларни излаб қоламиз. Ўйлаб қаранг-а, уйингиздаги кутубхонадан сиз ва баъзи яқин дўстларингиз фойдаланади, холос. Агар шу китоб мактаб кутубхонасида бўлса-чи? Қанча-қанча ўқувчи бундан баҳраманд бўлади. Китобни улашаётган одамнинг савобини нима билан тенглаштириб бўлади?!

Ахир, «бирники мингга, мингники туманга» дегани шу эмасми?

Биз ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназиясининг бир гуруҳ ўқувчилари бутун жумхуриятимиз ўқувчиларига шундай мурожаат қилмоқчи эдик:

Азиз дўстлар, дугоналар!

Келинг, мактабимиз кутубхоналарига ўзимиз севиб ўқийдиган китоблардан совға қилайлик, токи китобларнинг сеҳрли оламидан нафақат биз, балки дўстларимиз ҳам баҳраманд бўлишсин.

Бунинг савобини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди!

Ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназиясининг бир гуруҳ битирувчилари

Jarayon

СИНОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ КЕТАЯПТИ?

Мана, 2002-2003 ўқув йили якунланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Ҳадемай, мактаб ўқувчилари ҳаётида ҳаяжонли дамлар кечади. Бу ҳам бўлса, Давлат имтиҳонларини муваффақиятли топшириш. Хўш, бу борада умумтаълим мактабларида қандай тадбирлар олиб бориляпти? Ана шу савол билан биз Паркент тумани ХТБга қарашли бир неча умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларига мурожаат қилдик.

— Имтиҳонларга ҳозирликни февраль ойи ўрталаридан бошлаганмиз, — дейди 6-умумий ўрта таълим мактаби директори Салоҳиддин Мусаев. — Бу масала услуб бирлашмаларда, мактаб педагогик кенгашида атрофлича ўрганиб чиқилди. Тадбир тузилиб, унинг ижроси учун масъулият кучайтирилди.

Дарвоқе, барча илм масканларида бўлгани сингари, ушбу мактабда ҳам Давлат имтиҳонларини рисоладагидек ўтказиш учун имтиҳон жадвали тузилиб, "Имтиҳон ойнаси" ташкил этилди, синов ўтадиган хоналар тайёрланди, навбатчилик йўлга қўйилди. Шу қаторда имтиҳон учун барча зарур ҳужжатлар тахт қилиб қўйилди. Айни вақтда мактабда 4-, 9-, 11-синф ўқувчилари жисмоний тарбия фанидан биринчи имтиҳонни топширдилар. Ўқувчилар йил давомида ўрганган, олган билимларини ДТС талаблари даражасида намойиш этдилар.

— Мазкур ўқув йилида 99 нафар ўқувчи 4-синфни, 79 нафар ўқувчи 9-синфни, 51 нафар ўқувчи, 11-синфни, якунлайди, — дейди мактаб раҳбари С.Мусаев. — Ўқувчиларимиздан ўн нафари имтиёзли равишда ўқув йилини якунлаяпти.

Хуллас, биринчи довон — биринчи имтиҳон ўтди. Эндиликда ўқувчилар "Сўнгги қўнғироқ" кечасига тайёргарлик кўриш билан баробар, қолган фанлардан бўладиган синовларга ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

— Май ойининг энг муҳим режалари қаторида "Сўнгги қўнғироқ" кечасини ихчам, чиройли, мазмунли, ўқувчилар хотирасида бир умр ёдда қоладиган даражада ўтказишга ҳаракат қиламиз, — дейди 40-умумий ўрта таълим мактаби директори Мирсуҳбат Миркамолов. — Болалар ва ўсмирлар ташкилоти фаоллари ҳамда маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъуллар ҳамкорлигида "Сўнгги қўнғироқ" тадбири ва сценарийси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ота-оналар, маҳалла қўмиталари, ХТБ, туман ҳокимликлари вакиллари иштирокида ушбу тадбир уюшқоқлик билан ўтказилади. Ўйлайманки, шу куни ўқувчиларимиз ўз иқтидорларини ҳам устозлари ҳам меҳмонлар олдида намойиш этадилар. Асосийси, тадбир куни айтилажак куй, қўшиқ, шеърлар, тилаклар ўқувчилар одоб-ахлоқлари билан уйғунлашиб кетади.

Ҳа, албатта, пухта ўйлаб, режали қилинган иш яхши самара беради. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳам олдиларида турган синовлардан муваффақиятли ўтадилар, деган умиддамиз.

Абдузуҳур ҚОРАБОЕВ,
журналист

Bir soatlik dars

КАСРНИНГ АРАЛАШ СОН ШАКЛИ

Дарс — ўқув-тарбия жараёнининг асосий шаклидир. Ҳозирги замон таълим-тарбиясининг барча жараёнлари ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва ижод қилишга ўргатишдан иборат. Шу боис, биз дарс жараёнида биринчи навбатда ўқувчиларга фанлардан чуқур ва мустаҳкам билим бериш билан бирга, уларда меҳнат қилишга эҳтиёжни ҳам тарбиялаб боришни кўзда тутамиз. Дарсга бўлган замон талабларини ҳисобга олган ҳолда турли дарс усулларидан фойдаланамиз. Чунончи, мен математика дарсларида конференция, семинар, «ўйла, изла, топ», ўйинчоқлар ёрдамида баҳс-мунозара, техника воситалари асосида ҳамда саҳна каби ноанъанавий усуллардан фойдаланаман. Бунда эса барча математик қоидалар оддий тилда, шеърий усулда адабиёт фанларига боғлаб ўргатилса машғулотлар ўқувчида катта қизиқиш уйғотади. Қуйидаги тавсия этаётган бир соатлик ноанъанавий дарс лойиҳаси 5-синфларда касрлар ҳақида умумий тушунча боби бўйича такрорлаш сифатида ёзилган. Ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда бу дарсни мукаммаллаштириб, математик викторина сифатида ташкил этиш мумкинлигини айтиб ўтмоқчиман. Бу дарсни ўтиш мобайнида мен ўзим ўқувчилардаги қизиқишнинг жуда кучли эканлигини кўрдим. Бунда ўқувчиларда театр томошасида ўзлари ҳам иштирок этгандек таассурот уйғонади, фанга, айниқса, касрларни ўрганишга нисбатан ўзгача интилиш пайдо бўлади.

Даврага касрнинг умумий кўринишини акс эттирган жадвални бўйнига осган, кар вазифасини бажарувчи ўқувчи чиқади:

— Бўлаклаб майдаламоқ,
Менинг шиорим асли.
Фойдаланасиз мендан,
Йилнинг ҳар қайси фасли.

Улуш, чорак, нимчорак,
Оғаларимдир бари.
Хизматга доим шаймиз,
Иноқ дўстлар сингари.

Дўстларимнинг сафи мўл,
Тўғри-нотўғри каср.
Жамият ривожи чун,
Хизматда неча аср.

Ҳисоб-китобни бизсиз,
Тасаввур қилмоқ мушкул.
Касрларни ўрганмоқ,
Кўп яхши савоб ишдир.
Оғалар дўстларимга,
Бир-бир таъриф берайлик.
Неларга қодирлигин,
Ўзларидан сўрайлик.

Даврага бўйинларига илинган формулалар орқали ярим, чорак, нимчорак, тўғри ва нотўғри касрлар чиқишади. Ярим (1/2) ўзига таъриф беради:

— Бутунни қоқ ўртадан
Яхшилаб бўлсанг агар,
Ярим ҳосил бўлади
Хоҳ туш бўлсин, хоҳ саҳар.

Каср кўринишида
Иккидан бир аталгум.
Шу вақтга қадар дўстлар
Кўп ишларни бажардим.

Ўн катакли чизиқни,
Тенг иккига бўлайлик.
Натижани касрли
Кўринишда ёзайлик.

Таърифни айлай баён.
Учратсангиз бехосдан,
Бўлиб қолманг-да ҳайрон.

Менда ҳар доим сурат,
Махраждан бўлар кичик.
Махраж суратдан доим,
Ҳол сўрар, аҳвол нечук?

Махражим бўлса бир хил,
Сурат каттаси — катта.
Ёдда тутинг — бу муҳим,
Қоидани, албатта.

Мен ҳар доим, ҳамма вақт,
Бирдан кичик бўламан.
Мухтасар қилиб сўзни,
Ака, сизга бераман.

Нотўғри каср:
— Бу мен — нотўғри каср,
Таъриф берай ўзимга.
Диққатингиз қилиб жалб,
Қулоқ солинг сўзимга.

Бир ўқувчи доскага чиқиб, 10 см.ли чизиқни, айланани тенг иккига бўлиб, яримга таъриф беради. Ярим:

— Мана энди навбатни,
Мен чоракка бераман.
Керак бўлсам унутманг,
Хизматга шай тураман.

Даврага чиққан чорак ва нимчорак биргаликда сўз бошлайди:

— Бизлар чорак, нимчорак,
Иноқ оға-инилар.
Бутунни майдаласак,
Зарурлигим билинар.

Сўзни чорак давом эттиради:

— Мени топмоқ чун бирни,
Роса тўртга бўласиз.
Ҳар фанда, ҳар соҳада,
Кераклигим биласиз.

Саккизга бўлсанг бирни,
Укам нимчорак пайдо, —
(биргаликда)

— Тўғри топсангиз бизни,
Қиламиз бирга дуо.

Тўғри каср сўзни давом эттиради:

— Салом, мен тўғри каср,
Менинг суратим доим,
Махражимдан каттадир.
Бутун сон бўлса ҳамки,
Доим мендан кичик — бир.

Аралаш сон — бу менинг,
Бошқача кўринишим.
Ўтказиш чун бу турга,
Кўпаяда хўп ишим.

Аввал суратим олиб,
Махражимга бўласан.
Бўлинмани олибоқ,
Бутун жойга қўясан.

Чиққан қолдиқни дўстим,
Суратга қўй шошилмай,
Махражимни ёзгин сўнг,
Сира ҳам ўзгартирмай.

Доскага бир ўқувчи чиқиб, 257/112 касрни аралаш сон шаклига ўтказиб, тушунтиради. 257/112=2,33/112 (2.112+33)/112=257/112

Нотўғри касрлар:

— Бутун каср қисмини,
Йиғинди, деб ёз майли.
Гар қулайлик туғилса,
Ана шу шарт туфайли.

Ўқувчилардан бири доскага аралаш сонни бутун сон билан каср сон йиғиндиси шаклида ёзади.

3,8/11=3+8/11
101,3/11=101+3/11

Яна каср сўз бошлайди:

— Азиз дўстларим менда,
Хоссалар бор бир талай.
Ўргансангиз бу сизга,
Керак бўлар ҳар қалай.

Хоссаларни шошилмай
Кўриб чиқинг бирма бир.
Математик ҳисобда,
Улар доим керакдир.

Доскага беш нафар ўқувчи навбат билан касрларнинг бешта асосий хоссасини тушунтириб берадилар.

Каср:

— Ҳисоблашда қулайлик
Туғдирмоқ учун дўстим.
Қисқартир икки турда,
Тўғрилаб каму кўстин.

Бир ўқувчи тўлиқ қисқартиришни, иккинчиси кетма-кет қисқартиришни доскада мисоллар орқали тушунтирадилар.

Каср:

— Бизни бир хил улушда,
Ҳисобламоқлик қулай.
Умумий махраж учун,
Ҳисоб-китоб бир талай.
Аввал ЭКУКни топиб,
Сўнг уни махражга бўл.
Чиққан жавобни сурат,
Махражга кўпайтиргин.

Доскага ўқитувчи томонидан умумий махражга келтириш қоидалари мисоллар орқали тушунтирилади.

Яна каср:

— Бизни таққосламоқ чун,
Бор тўрт зарур қоида.
Билиб олинг яхшилар,
Сизга керакдир жуда.

Касрларни таққослаш қоидалари мисоллар орқали тўрт нафар ўқувчи томонидан доскага ёзилиб тушунтирилади.

Каср:

— Сўнгра бир хил махражли,
Касрлар сингари қўш.
Бизда ҳам керак бўлар,
Гоҳ ўрин алмаштириш.

Қўшиш ва айиришда,
Қизиқ мисоллар тўла.
Сизга ёрдамга тайёр,
Қуйидаги формула
a/b+c/d=(ad+cb)/bd

Доскага бир хил махражли каср чиқади:

—Танишинг, дўстлар бу мен,—
Бир хил махражли каср.
Баъзи хусусиятлар,
Фақат ўзимга хосдир.

Қўшмоқчи бўлсанг мени,
Ҳисоблаш жуда қулай.
Суратни қўш, махражни,
Ёзақол, ўзгартирмай.

Айириш амалин ҳам,
Шундай усулда бажар.
Суратларни айир, лек,
Махраж жойида турар.

Бир хил махражли касрларни қўшиш ва айиришга доир мисоллар бажарилади. Сўнгра, ҳар хил махражли каср даврага таъриф буюради:

— Ҳар хил махражли каср,
Каминадир ўзлари.
Қулоқ солинг-ку, агар,
Кўпдур маъно сўзлари.

Мендаги ҳисоб-китоб,
Ишлари кўпдир жуда.
Қийинчилик туғдирар,
Сизга гоҳи-гоҳида.

Қўшмоқчи бўлсанг мени,
Тасвирла бир улушда.
Ҳисоблаб бўлмас сира,
Мени шу кўринишда.

Қўшиш, айириш учун,
Умумий махражим топ.
Шунда аниқ бўлади,
Сендаги ҳисоб-китоб.

(Шундан сўнг, касрлар бир қатор бўлиб териладилар.)

Каср:

Ўқувчилар сизларга,
Барча сиримиз очдик.
Хоссалар ва таърифлар,
Ҳаммасин тўкиб-сочдик.

Энди шунинг барчасин,
Амалда ҳам қўллайсиз.
Ва барчамиз бир бўлиб,
Сизга омад тилаймиз.

Бизга оид машқни,
Ишлайверинг ҳормайин,
Қийналсангиз унутманг.
(Ҳамма касрлар биргаликда)
Биз доим хизматга шай.

Зулайҳо АБДУЛЛАЕВА,
Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

— Otajonim mahallam,
Onajonim mahallam,
Suyanch bo'lgan tog'larim,
Eng quvonchli chog'larim.

Hozir o'quvchilar kasb-hunar tanlaydigan va pedagogik-psixologik maslahatlar oladigan markazda maktab fan o'qituvchilari, sinf rahbarlari faollik ko'rsatishmoqda.

МАҲАЛЛАМ — ОТА-ОНАМ

"Обод маҳалла йили"да каттаю кичик биргаликда ўз маҳалласини яхши ўрганиб, унинг ободончилиги учун бош қўшаётгани ҳақида кунда эшитиб турибмиз. Бу ишлардан мактабгача таълим муассасаларининг кичкинтойлари ҳам четда қолгани йўқ, дейиш мумкин. Боғча болалари ҳам қўлларидан келганича ўзлари ўйнайдиган майдончаларни саранжом-саришталаб, ҳовлиларни гулзорга айлантиришаяпти. Халқимизга хос бўлган катталарга ҳурмат, эҳтиром билан қараш анъанасини ҳам эсдан чиқармасдан, маҳалладаги бувию буваларнинг ҳолидан хабар олган болаларнинг кўзларида учкун кўрасиз. Чунки улар болаликданоқ меҳр кўрсатиб яшашни ўрганаяптилар.

Чилонзор тумани ХТБга қарашли 444-МТМ фаолияти мисолида қилинаётган ишларни айтадиган бўлсак, мунтазам равишда шу боғча жойлашган Дўмбробод маҳалласидаги эъзоздаги инсонлар боғчага таклиф этиб турилади. Бугун ҳам шундай меҳмонларнинг аҳиллик, иноқлик ҳақидаги қизиқарли ва болалар кўз ўнгида хотираларни уйғотадиган ҳикояларини тарбияланувчилар жон қулоқлари билан эшитишди. Шундан сўнг тарбиячи Х.Алиева билан болалар биргаликда ўтказган "Маҳаллам — ота-онам" мавзусидаги очиқ машғулотни ҳамма кузатди. Қуйида ушбу машғулот баёни билан танишасиз.

МАҚСАД: Болаларга маҳалла маданияти, ҳаёти ҳамда улуғ инсонлари ҳақида билим бериш ва ўзлари туғилиб ўсган юрти, маҳалласига нисбатан муҳаббат уйғотиш, фахр-ифтихор ҳиссини тарбиялаш.

ЖИҲОЗЛАР: Дўмбробод маҳалласининг кўзга кўринган жойларининг расмлари, қадрли инсонлари ҳақидаги маълумот, улар ҳаётини акс эттирувчи альбом, расм солиш учун ўқув қуроллари.

МАШҒУЛОТНИНГ БОРИШИ:

Тарбиячи:
— Ассалому алайкум ҳамкасблар, маҳалламиз фахрийлари, отахонлар ва онахонлар. Биз бугун боғчамизга ташриф буюриб, болаларимизга ҳаётий тажрибаларингиздан гапириб берганлигингиз учун ташаккур билдирамиз. Ва ҳозир болаларимиз иштирокидаги очиқ машғулотни томоша қилишга таклиф этамиз.

Достон:
— Отажоним маҳаллам,
Онажоним маҳаллам,
Суянч бўлган тоғларим,
Энг қувончли чоғларим.

Умида:
— Кўтарилган ғамларим,
Битиб кетган камларим.
Отажоним маҳаллам,
Онажоним маҳаллам.

Тарбиячи:
— Болажонлар бизлар яшаётган маҳалланинг номи нима?

Болалар:
— Дўмбробод.

Тарбиячи:
— Баракалла. "Дўмбробод" маҳалласи шаҳримизнинг қайси туманида жойлашган?

Болалар:
— Чилонзор.

Тарбиячи:
— Жудаям тўғри. Бизлар яшаётган юртнинг номи нима?

Болалар:
— Ўзбекистон.

Тарбиячи:
— Ватанимизнинг пойтахти қаер?

Болалар:
— Тошкент.

Тарбиячи:
— Болалар, Ўзбекистонда шаҳарлар, туманлар, маҳаллалар жуда кўп. Бизнинг шу Дўмбробод маҳалламиз ҳам мана шу Ватанимизнинг бир бўлаги. Сизу биз ҳам Ватаннинг бир бўлагимиз.

Нодира:
— Дунёда юртингни
сўрса илк бор,
Кўрсатгин десалар
ўзбеклигингни
Ўзингни не билан
этардинг изҳор.
Қандай исботлардинг
ўзбеклигингни.

Ҳусниддин:
— Бугун кўргани йўқ
ўзбекни дунё,
Бу кўҳна юртимни ҳамма
билгандир.
Азалдан ардоқлаб
она юртимни
Она тупроғимга
тавоф қилгайдир.

Тарбиячи:
— Баракалла болалар. Ўзбек эканимизни жуда чиройли қилиб таърифладингиз. Мен сизларга ҳозир маҳалла ҳақида айтиб бераман. "Маҳалла" атамасига Мир Алишер Навоий тўлароқ таъриф берганлар. "Маҳалла" бир неча кўчани бир-бирига боғлаган бўлади. Маҳаллалар бирлашиб туманларни ташкил қилади. Туманлар бирлашиб шаҳарни, шаҳарлар бирлашиб Ватанни ташкил қилади. Ватан остонадан бошланади деб бежиз айтишмаган. Биз ҳам Ватанимизни севиб ардоқлаб асрашимиз керак. И-я, болажонлар, қаранглар даврамизга Семурғ қуши учиб келаяпти.

Биргаликда:
— Салом, эй қуш, қанотлари кумуш. Бизнинг томонларга хуш келибсан.

Болалар:
— Ассалому алайкум.

Семурғ:
— Ваалайкум ассалом. Болажонлар, мен сизларни бу ерга нима учун йиғилганингизлан хабар топиб келдим. Мен сизларга мана шу ерларда бўлиб ўтган воқеа-ларни айтиб бермоқчиман. Бундан анча йиллар илгари бу ерлар кенг дала бўлган. Одамлар деҳқончилик қилиб кун кўрганлар. Қишда эса бу ерларда инсонлар яшай олмаганлар. Бу ерда Мирсоатбой деган инсон яшаган, унинг қассобхонаси, чойхонаси бўлган экан. Илгарилари кенглик жойларда улоқ ўйинга боришдан олдин Мирсоатбойнинг чойхонасига кириб ош буюртириб кетар, улоқ тугагач шу ерга келиб ҳордиқ чиқаришар эканлар. Мирсоатбой жуда семиз бўлиб, қорни катта одам бўлган экан. У одамларни кулдириш учун қорнини дўмбира қилиб чалар экан. Шунинг учун одамлар уни Мирсоат дўмбирачи деб аташар экан. Кейин Мирсоат исми тушириб қолдириб, Дўмбират деб аташган. Ҳозирга келиб эса Дўмбробод деб аталиб кетган. Чунки бу ерлар мана бу ерда ўтирган бувию боболарингиз меҳнати билан ободонлаштирилиб, одамларга ерлар бўлиб берилган. Шу-шу бу ерларга кўпчилик оилалар кўчиб келиб, аҳил ва иноқ бўлиб яшаганлар. Кўркам, чиройли маҳалла бунёд қилганлар.

Mashg'ulot

Саида:
— Жуда тўғри айтдинг Семурғ қуш, бизнинг маҳалламизда 42 та кўча бор, унда 2163 оила 18000 аҳоли яшайди. Маҳалламиз "Обод маҳалла йили" муносабати билан янада кўркамлашиб, ободонлаштирилди. Бунга бизлар ҳам кўчатлар экиб ўз ҳиссамизни қўшаяпмиз.

Семурғ:
— Биласизларми болалар, маҳаллангизнинг гўзаллигини кўриб, мен ҳам хурсанд бўлиб кетдим. Энди менга айтинглар-чи, сизлар маҳаллангиз ўртасига қўйилган ёдгорлик нима учун бунёд этилганлигини биласизларми?

Болалар:
— Йўқ.

Семурғ:
— Бу ёдгорлик Ватанимиз ҳимоячилари номига қўйилган. Уруш даврида Ватанимизни душмандан мардонавор ҳимоя қилган ватанпарварларнинг хотирасига ўрнатилган. Сизлар бу ёдгорликка гуллар қўйинглар.

Тарбиячи:
— Раҳмат сенга Семурғ қуш, қанотлари кумуш. Болаларимизга маҳалламиз ҳақидаги воқеаларни айтиб бериб, бизни жуда хурсанд қилдинг. Кел энди сен ҳам ўтириб бизнинг меҳмонимиз бўл.

Семурғ:
— Раҳмат, агар менинг ҳикоям сизларга маъқул бўлган бўлса мен бундан мамнунман. Энди мен борай. Чунки бошқа боғчалардаги болажонлар ҳам мени кутишяпти.

Болалар:
— Хайр, боғчамизга келиб тур.

Тарбиячи:
— Болалар биз сизлар билан бир неча бор маҳалламиз кўчалари, маданий-маиший жойлари, савдо шахобчаларига сайр қилганмиз. У ерларда кўрганимизга асосланиб, ҳозир сизлар билан ўйин ўйнаймиз. Унинг номи "Маҳаллада нима бор?" деб аталади. Мен сизларга савол бераман, қани саволларга ким кўп жавоб топар экан. Ўйинимизни бошлаймиз: ҳар бир жавобга биттадан ўйинчоқ қўйиб бораман.

1-савол:
— Маҳалламиздаги кўзга кўринган жойларнинг номини айтинг.

Жавоб:
— "Ёдгорлик", наввойхона, супермаркет, озиқ-овқат дўкони, бозорча, сартарошхона, дорихона.

Тарбиячи:
— Баракалла.

2-савол:
— Маҳалладаги кўчаларнинг номини айтинг.

Жавоб:
— Қўчқор Исҳоқов, Майсазор, Саноат, Дилхуш, Дўмбробод.

Тарбиячи:
— Энди турар жойларингизнинг манзилини, ён-верингизда кимлар яшашини биласизми?

Сирож:
— Мен Дўмбробод 1-тор кўчасида яшайман.

Абдунаби:
— Мен Саноат кўча 32-уйда яшайман.

Достон:
— Мен Майсазор 61-уйда яшайман.

Тарбиячи:
— Баракалла, ўз турар жойингизни яхши билиб олибсиз.

3-савол:
— Маҳалламиз фахрийларини биласизми?

Нодира:
— Бизнинг кўчада Ҳожиакбар Ҳамидов, Ўткир Ҳошимовлар яшашади.

Ҳусниддин:
— Бизнинг кўчада эса Ҳожиакбар Раҳматов яшайди.

Абдунаби:
— Абдуусмон, Карима опа, Мавжуда опаларни, Маҳамаджон боболарни биламан.

Умида:
— Маҳалламиздаги мактабга Одил Қаюмов номи қўйилган.

Иброҳим:
— Бизнинг кўчамизда Қўчқор Исҳоқов яшаган, шунинг учун кўчамизга у кишининг номи қўйилган.

Тарбиячи:
— Баракалла болалар, сизлар маҳалламизда фаол иш кўрсатган инсонларни жуда яхши билиб олибсизлар. Болалар маҳалламизда троллейбус ва автобуслар қатнайди. Сизлар бекатларнинг номини биласизми?

Абдунаби:
— 16-поликлиника, Санаторий, Дўмбробод, Интернат, Наврўз бекатлари.

Тарбиячи:
— Баракалла болалар, сизлар маҳалламиз ҳақидаги маълумотларни яхши билиб олибсиз. Бугунги ўйинимизда энг кўп саволга жавоб берган Абдунаби бўлди, мана сенга совға. Бу китобни севиб ўқигин. Унда Ватанимиз ҳудудлари ҳақида жуда кўп нарсалар ёзилган. Болалар, ҳозир шеърларингиздан меҳмонларимизга намуналар айтиб беринг.

Азиз:
— Онамдек ардоқли
Азизсан Ватан.
Сен менга қадрдон
Туғилган макон.
Мен сени авайлаб,
Асрайман ҳар чоғ.
Виждонимиз тоза
Туширмасдан доғ.

Анора:
— Ўзинг кўзларимнинг нурисан,
Юрагимнинг мадад қўрисан,
Сўзларимнинг гавҳар дурисан,
Жонларингга жон бўлай Ватан,
Шонингдаги шон бўлай Ватан.

Тарбиячи:
— Раҳмат болажонлар, жуда чиройли қилиб шеърларни айтиб бердингиз. Энди болажонлар, стол атрофига ўтириб олинглар. Ҳозир сиз маҳалламиз ва Ватанимиз ҳимоячилари номига қўйилган ёдгорлик ҳақидаги таассуротларингизни расм орқали ифодалаб берасиз. Ҳамма ўзига ёққан жойларнинг расмини солсин.

Тарбиячи:
— Қани, Нодира сен нимани суратини чиздинг?

Нодира:
— Мен маҳалламиздаги ёдгорликнинг расмини чизяпман.

Тарбиячи:
— Қани Ҳусниддин, сен нимани расмини чизяапсан?

Ҳусниддин:
— Мен Дўмбробод нон корхонасининг расмини чизяапман.

Болалар тугалланган расмларни йиғиштириб меҳмонларга кўрсатадилар, ҳар бир бола ўзи чизган расмни изоҳлаб беради. Болалар ўрниларидан туриб, бир қатор бўлиб оладилар ва меҳмонлар билан биргаликда боғча ҳовлисига гул кўчатлари ўтказиб улар билан хайрлашадилар.

Шундан сўнг улар боғчага кела олмаган фахрийларнинг ҳолидан хабар олиш учун хонадонларига йўл олишди.

Машғулотни Насиба ЭРХОНОВА кузатди ва баён қилди.

Болалигимизда боғча опамиз бор меҳри билан қўлимиздан тутиб чиройли ёзиш, сурат чизиш сирларини ўргатарди. Ана шу дамлар болаликнинг ширин хотиралари бўлиб қоларкан. Шундай меҳрибон боғча опаларнинг меҳри туфайли ҳар куни боғчага ошиқардик.

Меҳрибон тарбиячи Малика Юлдошева Хўжаобод туманидаги 1-Мактабгача таълим муассасасида 10 йилдан бери болаларга ҳам таълим ҳам тарбия бериб келмоқда.

Суратда: М.Юлдошева болажонлар билан иш жараёнида.

Tajriba, sinov, natija

"ҲУНАРСИЗ КИШИ ҲАМИША ФОЙДАСИЗ БЎЛУР..."

ёхуд касб-ҳунар эгаллашни ўғил-қизлар эҳтиёжига айлантириш йўлидаги изланишлар, эришилаётган муваффақиятлар хусусида

Президентимиз Ислом Каримов мустақилликнинг илк йилларидаёқ "Мактаб — ўрта олий таълим — илмий-тадқиқот институтлари шаклидаги илмий-маърифий комплексларни вужудга келтириш йўлидан бориш керак", деб халқ таълими ривожланишининг стратегик йўналишларини белгилаб бергандилар. Мазкур йўналишлар 1997 йилнинг август ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да янгиланган, мукаммаллашган тарзда ўз аксини топди. Ҳозир бу фаолият — боғча — мактаб — академик лицей ва касб-ҳунар коллежи шаклида таълим узлуксизлигини таъминлашга ҳисса қўшаяпти. Очиғи, Сирғали туманида ҳам бу борадаги қилинаётган бир талай ишларга дуч келасиз.

— Туманимиздаги ҳар бир мактаб жамоаси ўз ўқувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тайёрлашда ибратли ишларни амалга ошираётирлар, — деди Сирғали тумани ХТБ мудири Рустам Содиқов. — Айниқса, 8-, 237-, 267-мактабларда бу борада олиб борилаётган ишлардан бошқа мактаб жамоалари ўрнак олсалар арзийди.

Дарҳақиқат, ўтган ўқув йилида Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 237-мактабнинг 9-синфини 47 нафар ўғил-қиз битирган бўлса, уларнинг 34 нафари шу йилиёқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежи талабалари бўлишди, қолганлари эса умумий ўрта таълим олишни давом эттиришмоқда. Жорий йилда эса 52 нафар битирувчининг 80 фоизи касб-ҳунар масканларига йўл олишади. Бу мисоллар ушбу жамоада КТМДда белгиланган вазифаларни бевосита бажаришга киришилганидан далолат беради.

Хўш, бундай натижаларга мактаб жамоаси қандай ишлари орқали эришаяпти?

Сирасини айтганда, ҳозир ўқувчилар касб-ҳунар танлайдиган ва педагогик-психологик маслаҳатлар оладиган марказда мактаб фан ўқитувчилари, синф раҳбарлари фаоллик кўрсатишмоқда. Улар у ерда ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллигини ўрганиш, ўз ихтиёри билан танлаб олган касб-ҳунари бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконига эга эканлигини тушунтириб боришга астойдил ҳаракат қилаётирлар. Шу баробарида синф раҳбарларининг ҳар бир ота-она, руҳшунос, фан ўқитувчилари билан ҳамкорлик қилаётгани эътиборлидир. Булар ҳамкорлигида ўғил-қизларнинг бирон-бир касб-ҳунарга мойиллиги ўрганиб борилади. Масалан, ўқувчининг спортнинг қайси турига ёки қайси хорижий тилга қизиқиши, қай бир фанни чуқур ўрганаётгани, компьютерга муносабати, саломатлиги ҳақидаги маълумотларни синф раҳбари йил давомида йиғиб боради. Муҳими, ўқувчининг қайси касбга қизиқишини аниқлашда ота-онанинг фикрларидан ташқари ўқувчининг бошқа қариндош-уруғлари (тоғаси, холаси, аммаси, онаси ва бошқа) касб-корлари ўрганиб борилмоқда. Чунки ўқувчини бирор-бир касбга йўналтиришда уларнинг таъсир даражаси, албатта, бўлиши мумкин. Бу маълумотларни синф раҳбарлари ҳар бир ўқувчи учун алоҳида тутилган дафтарда қайд этиб борадилар.

— Бундан ташқари, йиғилган маълумотлар маслаҳат марказида ҳар бир синф учун ташкил этилган "Ўқувчиларни касбга йўналтириш жадвали"да йилма-йил акс эттириб борилади, — деди ушбу мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Феруза Садирова. — Бу усул ўқувчидаги танлаган касбига нисбатан қатъиятлигини оширади.

Муаллима таъкидлаб ўтганидек, мактабда ўғил-қизлардаги қатъиятлиликни таъминлаш мақсадида академик лицей касб-ҳунар ва коллежларига экскурсиялар уюштириш одат тусига кираётир. Мисол учун, ўтган йилги 9-синф битирувчилари синф раҳбари бошчилигида Усмон Носир кўчасида жойлашган республика Миллий лицейига боришган бўлса, бу йилги битирувчилар баҳорги таътил пайтида Тошкент политехника коллежи, Сирғали касб-ҳунар коллежи, Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи, Қўйлиқ маиший хизмат касб-ҳунар коллежи, Республика енгил саноат касб-ҳунар коллежига ташриф буюрдилар. Асосийси, ўқув йили якунида битирувчиларнинг "Очиқ эшиклар куни"да иштирок этиши таъминланади. Улар у ерда касблар моҳияти ва келажаги ҳақида ахборотлар оладилар. Шу йўл билан ўқувчиларда танлаган касбига меҳр-муҳаббат уйғотилади. Шундай қилиб, жамоа тавсиялари асосида ўғил-қизларга лицей ва коллежларга йўлланма берилади.

Аслида ҳар қандай иш услуби, тажриба оммалаштирилиши лозим. Шу мақсадда яқинда туман ХТБ ташаббуси билан мактабда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришга бағишланган туман семинари ўтказилди. Семинарда туман ўқитувчилари қатори ота-оналар ҳам иштирок этдилар. Улар фарзандларининг келажакда ҳунарли бўлишини хоҳлаётганликларини билдиришиб, Кайковуснинг "Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига наф еткурмас" ҳикматига, унинг мағзи бўлакчалигига алоҳида урғу бердилар.

Бир сўз билан айтганда, семинар иштирокчилари ён дафтарларига қуйидагиларни қайд этиб қўйишди:

1. Ўқувчиларнинг маълум бир касб-ҳунарга қизиқишини бошланғич синфларданоқ ўрганиб бориш.

2. Ўғил-қизларни касбга йўналтиришда ота-оналарнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш.

3. Мактабда маслаҳат маркази ёки касб-ҳунарга йўналтирувчи хона ташкил этиш ва унда руҳшунос иштирокини таъминлаш.

4. Меҳнат таълими дарсларида, тарбиявий соатларда ўқувчиларни касбга йўналтириб бориш.

5. Ҳар бир мактабда шаҳар туманларидаги касб-ҳунар коллежлари ва лицейлари ҳақидаги маълумотларни кўпайтириш.

6. Касб-ҳунар коллежларига экскурсиялар уюштириш, ҳунар масканларида учрашувлар ташкил этиш ва ҳоказо.

Шунингдек, семинарда иштирокчилар ушбу жамоада ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришда ҳудудларнинг график шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олишга, ҳунар масканларига иложи борича ўғил-қизларни оилаларидан ажратмаган ҳолда қамраб олишга доимо эътибор бериб боришаётганига эътиборларини қаратишди. Қисқаси, Сирғали туманидаги 237-мактабнинг ўқувчиларни бошланғич синфлардан бошлабоқ ҳунар эгаллашни ўғил-қизларнинг эҳтиёжига айлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари — "Мактабдан — касб-ҳунар коллежига" тажрибаси кўпчиликка маъқул бўлаётир.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ
«Ma'rifat» мухбири

Kollejlar hayotidan

ИҚТИДОРЛИЛАР ИНТИЛУВЧИ МАСКАН

Seminar

СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИ ТРЕНЕРЛАР БЎЛИШАДИ

Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида "Замонавий таълим технологиялари" ва "Таълим самарадорлигини ошириш йўллари" семинар-тренинглари бўлиб ўтган эди. Ушбу семинарлар аввал пойтахтда бошланиб, тор доирада тренерлар тайёрланган бўлса, кейинчалик тренерлар жойларда лойиҳа доирасига кирган 45 та ўқув муассасаларида фаолият кўрсатаётган 2000 дан ортиқ ўқитувчи ва муҳандис-педагогларни замонавий таълимнинг энг янги ютуқ ва усуллари билан қуроллантирган эдилар.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтидаги бир қанча ўқитувчи-тренерлар яқинда ЎМКҲТ муассасалари ўқитувчилари ва амалиёт усталари учун "Баҳолаш методлари" деб номланган янги услубий қўлланма яратдилар ва бу рисола асосида янги ўқув-семинарлар бошлаб юборилди. Дастлаб, Гулистон шаҳрида Сирдарё, Тошкент ва Жиззах вилоятлари бўйича ҳудудий семинар-тренинг ўтказилди, сўнгра Қувасой шаҳрида Фарғона водийсидаги вилоятлар бўйича навбатдаги семинар-тренинглар ниҳоясига етди.

Бухоро енгил саноат касб-ҳунар коллежида ЎМКҲТМ ўқитувчилари ва амалиёт усталарининг малакасини ошириш мақсадида ўтказилган семинар-тренингда 38 нафар иштирокчи қатнашиб, уларга 4 нафар тренер сабоқ берди.

Семинарлар 4 модулга бўлиниб, ҳар куни ягона модул бўйича машғулотлар олиб борилди. Илк машғулот "Ўқув мақсадлари ва унинг турлари", "Ўқув мақсадларини тавсифлаш", "Давлат таълим стандартлари ва ўқув мақсадлари" каби мавзуларни ҳамда 2-модул "Баҳолашнинг умумий асослари", 3-модул эса "Назарий билим ва амалий лаёқатни баҳолаш", 4-модул "Амалий маҳорат ва хулқ-атворни баҳолаш" деб номланди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос 4 та мавзуни ўз ичига олган. 4-кун якунида барча иштирокчиларга умумий уй вазифаси топширилди. Унга асосан, мутахассислиги ёки соҳаси бир-бирига мос бўлган икки киши бир мавзуни танлади ҳамда мавзу бўйича таълим олувчининг мақсади, иш натижаси белгиланди. Сўнгра ўқувчи билимини баҳолаш учун метод танлаб олиниб, шунга асосан, топшириқ ишлаб чиқилди, баҳоланувчи учун ва баҳоловчи учун йўриқномалар, жавоб варақаси тайёрланди. Баҳолаш мезонлари ва меъёрлари ҳам бу амалий ишда ўз аксини топди. Сўнгги вазифа намойишида ўз самарасини кўрсатган билим, кўникма ва малакалар семинар иштирокчиларининг аксарияти навбатдаги вилоятларда ўтадиган семинар-тренинглар учун фаол тренерлар бўла олишига ишонч туғдирди.

Малоҳат НАЖМИДДИНОВА,
ЎМКҲТРИ малака ошириш факультети катта ўқитувчиси

Пойтахтимиздаги Й.Охунбобоев номидаги тиббиёт коллежида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш маркази ташкил этилганлигига унча кўп вақт бўлмади. Аммо шунга қарамай, бу масканда «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга кенг тадбиқ этиш, келажакда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожланган буюк давлатга айлантириш учун хизмат қиладиган етук ва баркамол инсонларни тарбиялаб етиштириш борасида муайян ишлар қилинмоқда.

Сирасини айтганда, иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш, чуқур билим ва қобилиятларини ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш марказнинг асосий вазифаларидан иборат. Мазкур марказ мутасаддилари қатор илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда ўқувчиларни илмий изланишларга жалб этмоқдалар. Масалан, Тошкент давлат тиббиёт институтлари, фармацевтика институти, Ўзбекистон Миллий университети, Фанлар Академиясининг шарқшунослик ҳамда микробиология институтлари билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилган. Ўқувчилар ўз илмий изланишларини ушбу институт лабораторияларида олиб бормоқдалар.

Марказ ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш билан ҳам шуғулланади. Коллежимизда ҳар йили 7-апрель Бутунжаҳон саломатлик кунида иқтидорли ўқувчиларнинг анъанавий илмий-амалий конференцияси ва ижодий ишлар кўриги ўтказилади. Анжуманда ўқувчилар ўз ижодий, илмий ишлари бўйича ҳисоботлар тақдим этадилар. Фанлар бўйича ижодий конструкторлик ишларини тайёрлайдилар.

Шунингдек, сўнгги 2 йил давомида «Фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси» мавзусида илмий-амалий анжуман ва ижодий ишлар кўриги ўтказилмоқда. Мавзулар бўйича ўқувчилар ўртасида баҳс-мунозара ўтказилиб, фикрлар билдирилади, савол-жавоблар орқали билимлар оширилади. Ижодий ишлар кўригида «Ҳамширалик иши мутахассиси» бўлимининг IV-курс ўқувчиси Азиза Азиметова қатнашиб, жарроҳлик иши фани бўйича биринчи ўринни эгаллади.

2002 йилда ўтказилган анжуманда «кимё, экология ва инсон саломатлиги» мавзусидаги маърузаси билан Зиёда Ғаниҳўжаева иқтидорли ўқувчиларнинг Республика конференциясида иштирок этиб, 3-ўринни эгаллади. «Абу Али Ибн Сино» ва «Абу Райҳон Беруний мероси»дан фанларни ўрганишда фойдаланиш мавзусидаги маърузаси билан қатнашган ўқувчи Азиза Зиёвутдинова иқтидорли ўқувчиларнинг Республика конференциясининг шаҳар босқичида совринли ўринни эгаллаб, ҳозир Республика анжуманига тайёргарлик кўрмоқда. Ўқувчилар атоқли олимлар илмий ишлари билан танишиб, улар билан ҳамсуҳбат бўлмоқдалар. 2002-2003 ўқув йилида коллежнинг 10 нафар ўқувчиси Иқтидорли ўқувчилар конференциясининг шаҳар босқичида қатнашдилар.

Ўқувчилар илмий изланишлари турли йўналишларда бўлиб, улар ҳозирги куннинг долзарб масалаларига бағишланган. Чунончи, «Замбуруғлар ва атроф-муҳит муҳофазаси», «Тиббиётда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш», «Тошкент воҳасида қадимги деҳқончилик маданияти», «Сил касаллигини қўзғатувчисининг янги микробиологик ташхис усули», «Ўта маккор вируслар», ва ҳ.к. Ўқувчилар анжуманига Республика ўрта-махсус касб-ҳунар таълими маркази, шаҳар бошқармаси ва илмий тадқиқот институтларидан олимлар, илмий раҳбарлар таклиф этиладилар.

Д.МАНСУРОВА,
коллеж директорининг илмий услубий ишлар бўйича муовини

Asardagi Movarounnahr tarixiga oid muhim ma'lumotlardan biri VIII asrning ikkinchi yarmida arab xalifaligiga qarshi ko'tarilgan Muqanna boshchiligidagi yirik qo'zg'olon tafsilotlaridir.

Menimcha, ta'lim tizimining barcha bosqichlaridagi ustozlar yoshlarga muzeylarning ahamiyati haqida yanada ko'proq so'zlab bersalar, o'quvchilari, talabalari bilan muzeylarga tez-tez kelib tursalar, qutlug' ishlardan biri bo'lar edi.

Tarix saboqlari

МУҚАННА ҚЎЗҒОЛОНИ МУАРРИХЛАР ТАЛҚИНИДА

Учинчи мақола

Ғулом КАРИМ

Ўрта асрлар Шарқининг етук муаррихларидан Абусаид Гардизий «Зайн ул-ахбор» («Хабарлар безаги») номли асари билан машҳур. Муаллифнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар кам. У асли шарқий Афғонистоннинг Гардиз туманидан бўлиши керак. Афтидан, у кўп йиллар ўша пайтдаги Хуросон пойтахти бўлган Ғазна шаҳрида яшаб ижод қилган.

Гардизий ўз асарини ғазнавийлар сулоласига мансуб ҳукмдор Абдурашид ибн Султон Маҳмуд (1049-1053) ҳукмронлиги даврида ёзган. Муаррих буюк олим Абу Райҳон Беруний билан мулоқотда бўлган. Китобининг «Ҳиндларнинг байрамлари ҳақида»[1] бобида «Мен худо раҳмат қилгур Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Берунийдан шундай эшитган эдим», деб муҳим маълумотларни келтиради, Берунийнинг асарларидан ҳам кенг фойдаланганини эътироф этади.

«Зайн ул-ахбор» асарида жуда кўп тарихий, жуғрофий, этнографик маълумотлар бор. Муаллиф турклар, эронликлар, румликлар, ҳиндлар, яҳудийлар, юнонлар, оташпарастларнинг байрамлари, урф-одатларига оид қизиқарли, муҳим хабарларни баён қилади. Шунингдек, «Зайн ул-ахбор»нинг дастлабки қисмларидаги Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг араблар томонидан истило қилиниши, сўнгра Сомонийлар сулоласи тарихи баёни ҳам илмий жиҳатдан аҳамиятлидир.

Асардаги Мовароуннаҳр тарихига оид муҳим маълумотлардан бири VIII асрнинг иккинчи ярмида араб халифалигига қарши кўтарилган Муқанна бошчилигидаги йирик қўзғолон тафсилотларидир.

Гардизий Муқанна қўзғолони ҳақида бошқа мўътабар манбаларда ҳам учрамайдиган баъзи маълумотларни баён қилади. Шу сабабли «Зайн ул-ахбор»нинг мазкур фасларини бошқа манбалар билан қиёслаб тадқиқ этиш Ватанимизнинг ўрта асрлар даври тарихидаги энг муҳим сиёсий воқеаларидан бири бўлмиш «оқ кийимлилар» ҳаракатини нисбатан тўлиқроқ ёритишга имкон беради.

Ушбу ноёб манба ҳали ўзбек тилига таржима қилинмаган. «Зайн ул-ахбор»даги Муқанна қўзғолонига оид қуйидаги парчалар асарнинг Абдулҳай Ҳабибий амалга оширган форсча нашридан ўзбек тилига таржима қилинди.

Ўттиз бешинчи фасл. Ҳумайд ибн Қаҳтаба амирлиги даври

Мансур[1] бир юз эллик биринчи йил шаъбон ойининг биринчи куни Хуросонни бошқаришни Ҳумайд ибн Қаҳтабага топширади. Ҳумайд катта доийлардан («ташвиқотчи») эди. Ўша замонда Мансур вафот этди ва Маҳди[2] халифалик тахтига ўтирди. У ҳам Хуросонга ҳукмдорлик ёрлиғини Ҳумайд номига жўнатди. Ҳумайд амирлиги даврида Муқанна хуруж қилди ва оқ байроқ кўтарди. Муқанна бир кўзли одам бўлиб, Марвда жомашуйлик қиларди. Унинг номи Ҳаким эди. (Наршахийга кўра, Муқаннанинг отасининг исми Ҳаким, ўзиники Ҳошим бўлган. — **F.K.**). Илк дафъа хуруж қилганида пайғамбарлик даъвосини қилди. Алал-оқибат «мен худоман», деб даъво қилиб, одамларни ўзига банда бўлишга чақирди. Ўзига зар ниқоб қилиб олиб, ҳеч ким кўрмаслиги учун юзини ёпиб юрарди. Чунки жуда бадбашара эди. У шундай дерди: «Улуғ ва қудратли Худо Одам (Ато)ни яратиб, ўзи унинг суратига кирди. У вафот этгач, Нуҳ суратига кирди. Сўнгра Иброҳим, ундан кейин Мусо суратларига кирди. Сўнгра Исо, ундан кейин Муҳаммад алайҳиссалом суратларига кирди. Шу тариқа, ниҳоят, Абумуслим[3] суратига кирди. Абумуслимдан кейин Ҳошим, яъни Муқанна суратига кирди». Шу тарзда Муқанна ўзига Ҳошим, деб ном қўйган эди.

Жуда кўп гумроҳ одамлар Муқанна сари интилдилар ва унга сажда қилдилар. Жанг майдонида улар «Ё Ҳошим, мадад бер!», деб гўё улуғ ва қудратли Худодан ёрдам сўрагандек сурон кўтарардилар. Муқанна атрофига кўп одам тўпланди. У Кеш (Шаҳрисабз) туманидаги Сиём қалъасини қароргоҳ қилиб танлади ва бу қалъа атрофига истеҳкомлар қуришди. Бухоро ва Сўғдда (Сўғд — Зарафшон воҳаси, асосан, Самарқанд вилояти — **F.K.**) ҳам оқ кийимлилар пайдо бўлишди ва Муқаннани қўллаб-қувватлашди. Муқанна кофир туркларни[4] ҳам мададга чақирди. Улар мусулмонларнинг мол-мулкини ғорат қилдилар ва бу ишлар кўпроқ Сўғдда содир бўлди. Саркарда Абу Нуъмон уларга қарши борди, аммо ҳеч нарса қилолмади. Оқ кийимлилар вилоятга ва Кеш шаҳрига келиб, барча йўлларни ишғол қилишди. Улар Навокат ва Сангардах қалъаларини ҳам мустаҳкамладилар.

Абу Нуъмон, Жунайд, Лайс ибн Наср, Ҳассон ибн Тамим ибн Наср ибн Сайёр, Муҳаммад ибн Наср каби саркардалар оқ кийимлилар билан жангу жадал қилишди. Аммо улардан ҳеч бири муваффақиятга эришолмади ва барчаси мағлубиятга учраб, орқага чекинишди. Шундан сўнг Маҳди Жаброил ибн Яҳё ва унинг укаси Язидни жўнатди. Улар Ҳусайн ибн Маоз вилоятга ҳоким бўлган пайтда Бухорода бош кўтарган оқ кийимлиларни бостириш билан машғул бўлишди. Бир юз эллик еттинчи йили Жаброил улар билан Нумижкат (Бухоро яқинидаги шаҳар — **F.K.**) шаҳри ёнида жанг қилиб, улардан етти юз кишини ўлдирди ва қолганлари пароканда бўлиб, Муқанна тарафга кетишди. Шундан сўнг Жаброил Самарқандга жўнади ва сўғдларга ҳужум қилиб, уларнинг бир сардорини ўлдирди.

Хуросон амири Ҳумайд ибн Қаҳтаба ўлгач, бир юз эллик тўққизинчи йил охиригача унинг ўғли Абдуллоҳ ибн Ҳумайд ҳукмронлик қилди.

Ўттиз олтинчи фасл. Абу Авн Абдулмалик ибн Язид амирлиги даври

Маҳди Хуросонни Абу Авнга берди. У бир юз олтмишинчи йил сафар ойининг ўртасида душанба куни ўз ўғлини илғор тарзида жўнатди. Абу Авн Хуросонни бир йилу бир ой бошқарди ва Муқанна билан жанглар қилди. Ҳумайд замонида Юсуф Сақфий Ҳарурий бош кўтарган эди. Ҳаким Толиқоний ва Бумаоз Форёбий ҳам у билан бирга эди. Улар Пушанг (шаҳри)ни Мусъаб ибн Зурайқдан тортиб олишди. Юсуф Марварруд, Толиқон ва Гузгононда ғалаба қилди. Аммо Балх ҳошимийлари у билан жанг қилиб, мағлубиятга учратишди. Бумаоз Форёбийни қўлга олиб, Маҳди ҳузурига жўнатишди. Маҳди Бумаозни Бағдодда дорга осишни буюрди. Шундан сўнг Маҳди Абу Авнни Хуросон амирлигидан маъзул қилди.

Ўттиз еттинчи фасл. Маоз ибн Муслим амирлиги даври

Маҳди Хуросонни Маоз ибн Муслимга берди. Маоз ўз укаси Саламани Хуросонга ўз ноиби сифатида жўнатди ва бир юз олтмиш биринчи йил рабиъ ул-охир ойида ўзи ҳам унинг изидан йўлга тушди. Унинг даврида Нишопур ҳокимлигини ўғли Ҳусайнга беришди ва ўша йили қаҳатчилик юз берди. Кўп халқ унинг саройи олдига йиғилиб, очарчилик ва нарх-наво қимматлигидан нолаю фарёд қилишди. Улар Ҳусайндан «Ғалла сотгин, токи бошқалар ҳам сендан ибрат олиб ғаллаларини сотишсин», деб талаб этишди. Ҳусайн «Бир дона буғдойнинг нархи бир динор бўлишини хоҳлайман», деди. Одамлар ноумид бўлиб уни қарғадилар ва бир ҳафта ўтмасдан Ҳусайн ўлди.

Маоз Марвга келгач, Хуросон ишларини тартибга солди. Шундан сўнг у Муқаннага қарши юришга жазм қилди ва Саид Ҳарашийни ўз лашкарининг илғори тарзида жўнатди. Укба ибн Салм ҳам Тавовисда[5] уларга қўшилди ва бирғаликда Самарқандга боришди. Муқаннанинг одами Ҳорижа ўн беш минг оқ кийимли билан Жаброил ибн Яҳёга қарши жанг қилар эди. Жаброил улардан уч мингини жангда ўлдирди. Бу мадад етиб келгач, мусулмонлар кучайиб оқ кийимлилар заифлашиб қолдилар ва улардан кўпчилиги ўлдирилди. Қолганлари Муқанна тарафга қайтишди. Муқанна Сиём қалъаси олдига хандақ қазиб, мусулмонлар билан жанг қилди. Оқ кийимлиларнинг аҳволи танг бўлди, аммо улар бардош беришди. Бироқ улар бир-бирининг терисини ейиш даражасига боришгач[6], Муқаннага билдирмай Ҳарашийдан сулҳ сўрашди. Ҳараший (уларнинг илтимосини) қабул қилди ва ўттиз минг киши хандақдан ўтиб, (қалъадан) чиқиб кетишди. Муқанна икки минг кишидан иборат эркак ва аёл тобелари билан қолди. Саид Ҳараший ва Маоз ибн Муслим ораларида совуқлик пайдо бўлган эди. Маоз Маҳдидан ўзини Хуросондаги амалдан бўшатишини сўради ва илтимоси ижобат этилгач, Ироққа жўнаб кетди.

Ўттиз саккизинчи фасл. Мусайяб ибн Зуҳайр амирлиги даври

Шундан сўнг Маҳди Хуросон ёрлиғини Мусайяб ибн Зуҳайрга бериб, уни Хуросонга жўнатди. Мусайяб бир юз олтмиш олтинчи йилнинг жумодил аввал ойида Хуросонга етиб келгач, хирож йиғишга машғул бўлди. Сўнгра Муқаннага ҳужум қилиш учун Бухоро тарафга равона бўлди. Шунда Саид Ҳараший Муқаннани қалъада қаттиқ муҳосара қилиб, ғалаба қозонгани хабарини эшитди. Муқанна ночор вазиятга тушиб қолгач, хотинларини тўплаб, заҳар тайёрлади ва уларга жаннатни ваъда қилиб, барчасига заҳар ичирди. Ҳаммаси ўша заҳоти ўлиб қолдилар. Муқанна ҳам заҳар ичди, аммо у секин жон берарди. У ёронларидан бирига бўйнига қилич уришни буюрди ва (душманлар) топа олмасликлари учун жасадини оловда куйдиришни васият қилди. Унга эргашган гумроҳлардан баъзилари, у осмонга кетди, дейишди. Айрим кишилар шу сабабдан алданишди ва ҳозиргача муқаннаийлар (муқанначилар) бордирлар. Лашкар қалъага бостириб кирганда у ерда одамлар йўқ эди. Нимаики топган бўлишса, ўзлари билан олиб кетишди. Мусайяб ибн Зуҳайр Хуросонда саккиз ой қолди ва мажбурий хирожни оширди. Раиятлар ундан шикоят қилишди ва Маҳди уни мансабидан маъзул этди. Мовароуннаҳрда муомалада бўлган «мусайябий» дирҳамлар унинг номи билан аталгандир. Худди «ғитрифий» дирҳамлар Ғитриф ибн Ато ал-Киндий ва «муҳаммадий» дирҳамлар Муҳаммад ибн Зубайд номлари билан аталгани кабидир. Бу дирҳамлар рух[7] ва қўрғошин аралашмасидан зарб қилинган.

Изоҳлар:

1. Абу Жаъфар Мансур аббосийлар сулоласига мансуб араб халифаси бўлиб 754-775 йилларда ҳукмронлик қилган.
2. Маҳди Мансурнинг ўғли, 775-785 йилларда ҳукмронлик қилган. Маҳди даврида беҳисоб араб халифалигининг асосий ҳарбий кучлари Мовароуннаҳрга — Муқанна қўзғолонини бостиришга йўлланган.
3. Абумуслим умавийлар сулоласи тахтдан ағдарилиб, аббосийлар халифалик тахтига чиқиши учун жуда катта хизмат қилган сиёсий арбобдир. Асли хуросонлик. Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолиси ўртасида обрў-эътибори кучайиб кетганидан хавфсираган халифа Мансур Абумуслимни хиёнаткорона ўлдиртирган.
4. Бу ерда ҳали ислом қабул қилинмаган Шарқий Туркистондаги турклар назарда тутилмоқда. Мовароуннаҳрдаги туркий ва сўғдий аҳолининг катта қисми, бу даврда ислом динига ўтиб бўлган эди.
5. Наршахий маълумотига кўра бу қишлоқнинг асл номи Арқуд бўлган. Қишлоқ аҳлига ўз уйларида товус сақлаш одат бўлгани туфайли, араблар уни «Зот ут-тавовис» («Товуслар эгаси») деб аташган. Кейинчалик «Зот» сўзи тушиб қолиб, қисқача Тавовис дейиладиган бўлган.
6. Афтидан, муаллиф бу ўринда қамалдагилар очликдан озиб, терилари суягига ёпишиб қолганига ишора қилган.
7. Рух кумушсимон оқ рангли маъдандир.

ЭҲТИРОМ

Пойтахтимизнинг «Ибн Сино» маданият маркази ходимлари томонидан оламдан ўтган атоқли маданият ва санъат арбобларининг хотира кечаларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Халқ артисти, давлат мукофотларининг совриндори, машҳур раққоса ва балейтмейстер Мукаррама Турғунбоеванинг ижодий фаолиятига бағишлаб 1990 йилдан бери мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган хотира кечалари кўпчилик санъат шинавандаларида яхши таассурот қолдириш билан бирга катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дарҳақиқат, Мукаррама опа «Андижонча», «Тановар», «Озодлик», «Муножот», «Катта ўйин», «Роҳат», «Шаббодалар», «Жонон», «Ўхшайдику» каби қатор ўзбек халқ рақсларини юксак маҳорат билан ижро этишдан ташқари, «Баҳор»дек оламга машҳур рақс ансамблини яратиб, ўзига хос ҳайкал қуриб кетган буюк рақс санъати усталаридандир.

Шунинг учун ҳам «Ибн Сино» маданият маркази ходимлари ва «Умид» халқ фольклор рақс ансамбли студияси жамоаси шу кунларда устоз санъаткор таваллудига 90 йил тўлиши муносабати билан юбилей тадбирини ўтказиш мақсадида алоҳида тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.

Машҳур санъаткорнинг серқирра ижодий фаолиятига бағишланган анжуман сценарийсини опанинг меҳрибон шогирдларидан бири, «Ибн Сино» маданият маркази директори ва «Умид» халқ студиясининг бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Азизов ёзган бўлиб, «Мангу барҳаётсиз азиз ва мўътабар Мукаррама опа» деб аталади.

Жорий йилнинг 16 май куни ўтган ушбу анжуманда опанинг бир гуруҳ шогирдлари, кўзга кўринган маданият ва санъат арбоблари, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари, шунингдек, хориждан келган меҳмонлар ҳамда «Ибн Сино» маданият маркази қошидаги «Умид» халқ рақс дастаси, «Абдулла» эстрада гуруҳи, доирачилар ва янги ташкил топган «Табассум» ҳажвий ёшлар театри бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этдилар.

Абдулла ҚУРБОНОВ,
маданият маркази директори ўринбосари

МАҲАЛЛА КУТУБХОНАСИДА АНЖУМАН

А.Икромов туманидаги 283-мактабда академик шоир Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ўқувчиларнинг «Шум бола», «Ёдгор» қиссаларидан қўйган парчалари, шоир ижодидан айтишган қўшиқ ва шеърлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Мактаб, кутубхона ва маҳалла ҳамкорлигида Алишер Навоий номидаги маҳалла кутубхонасида ўтган бу анжуманда томошабинлар ҳам, ижрочилар ҳам шоирнинг ижоди билан яқинроқ танишдилар, уларнинг меҳмондўст, дилкаш суҳбатдош, меҳрибон ота, қалами ўткир Ғафур Ғулом шахсига, ижодига қизиқишлари янада ортди.

М.САЪДИНОВА,
283-мактаб ўқитувчиси

АСРЛАР УЧРАШГАН ЖОЙДА

Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори ўринбосари, тарих фанлари доктори Жаннат Исмоилова билан суҳбат.

Moziydan sado

— Сиз Ўзбекистон тарихи давлат музейи директорининг илмий ишлар бўйича муовини, тарихчи олима сифатида мустақиллик йилларида тарих фани ва музейларга янгича муносабатлардан яхши хабардорсиз. Суҳбатимизни ана шу нуқтадан бошласак.

— Жаҳондаги барча турдаги музейлар табиат ва жамият тарихининг ўзига хос ифодаси, ўтмиш асрлар бугун билан учрашиб, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириб, келажакка борувчи, Президентимиз айтганларидек, илм-фан ва маданият марказларидир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ маънавиятимиз, маданиятимиз ва тарихимиз талқинини холис илмий асосларда тиклаш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимизнинг 1998 йили тарихчи олимлар билан учрашуви тарих фани ривожланишида муҳим бурилиш бўлди. Бу бурилиш эса музейлар фаолиятига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрелдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон тарихи давлат музейи қайта ташкил этилди. Моҳият эътибори билан юртимизда том маънода замонавий, миллий музейларга ана шу санада асос солинди, десак хато бўлмас. Айниқса, юртбошимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 12 январдаги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони музейларнинг ҳар томонлама тараққиёти жараёнларини тезлаштириб юборди. Давлат раҳбаримизнинг шу йили 19 февралда музейимизга ташрифи пайтидаги қимматли таклиф-мулоҳазалари ҳам ҳозирдан ўз самарасини бермоқда.

— Суҳбатимиз мақсадларидан бири, умумий тарзда бўлса ҳам, мавзумиз юзасидан ўқувчиларга кўпроқ ахборот беришдан иборат. Шу маънода музейлар тарихи ҳақида тўхталсангиз.

— Албатта, биринчи табиий музейлар сифатида қадимги аждодлар яшаган ғорлар, археологик қазишмалар даврида топилган маконларни кўрсатишимиз мумкин. Бундай жойлар юртимизда ҳам жуда кўп. Аммо инсон онгли равишда ташкил этган музейлар тарихига назар ташласак, уларга дастлаб Европа мамлакатларида асос солинганига гувоҳ бўламиз. Милоддан аввалги асрларда Юнонистон ва Римда музейлар ибодатхоналар қошида ташкил этилганлиги маълум. Кейинчалик Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам ташкил топган музейлар, асосан, қироллар, йирик сармоядорлар, савдогарларга тегишли бўлган. Фақатгина XVIII асрга келиб, музейлар кенг омма учун ҳам хизмат қила бошлаган. Лондондаги Британия ва Париждаги Лувр музейлари дастлабки шундай марказлардан бўлган.

Ўзбекистон территориясида ҳам музейлар қадимги, ўрта асрлар даврида бошқа мамлакатларда бўлгани каби подшолар саройлари, бой-бадавлат, ўз даврининг машҳур кишилари хонадонларида қимматбаҳо этнографик буюмлар, санъат ва ҳунармандчиликнинг нодир намуналари, қўлёзма китоблардан иборат бўлган.

Ҳозирда юртимизда 1200 дан ортиқ музей бўлиб, уларнинг энг йириклари пойтахтимизда жойлашган. Шу билан бирга вилоят, туман марказлари, ташкилотлар, муассасалар ва халқ таълими тизими қошида ҳам кўплаб музейларни учратиш мумкин.

— Музейларнинг нуфузи асосан уларда сақланаётган экспонатларнинг ноёблиги ва салмоғи, инсоният, жумладан халқимиз тарихи билан боғлиқлиги даражаси билан белгиланади. Шу жиҳатдан тарих музейи қандай мавқега эга?

— Минтақамиздаги энг нуфузли музейимизни жаҳонда ҳам яхши билишади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон тарихи давлат музейи фондида тош асридан тортиб, бугунги истиқлолимизгача "гувоҳ" бўлган 250 мингга яқин экспонатлар мавжуд. Улар орасида археология, этнография, нумизматика бўйича жуда кўплаб ноёб коллекциялар бор.

Музейимизнинг ўзига хос фазилатларидан бири шундаки, агар дунёдаги кўпгина машҳур музейларнинг экспозицияларидаги ашёларнинг аксарияти ўзга халқлар маданиятининг маҳсули бўлса, бизнинг фондимиз экспонатлари фақат ўз юртимиз сарҳадларидан топилган.

— Табиий бир савол туғилади, "ўзга халқлар маданиятининг маҳсули" деганингизда ўзбек халқи ҳам бор. Юртимиз тарихига оид чет эллардаги ёдгорликлар ҳақида биз ҳеч бўлмаганда тўлиқроқ маълумотга эгамизми? Бу борада музей фаолияти қандай?

— Рост айтасиз, асрлар бўйи ватанимизнинг жуда кўп моддий ва маданий бойликлари ҳам талон-тарож қилинган. Кўп узоққа бормай XIX асрнинг иккинчи ярмида чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши ва ҳукмронлиги даврига мурожаат қилсак. Айнан шу даврда Европада шарқ халқларининг тарихи, маданияти, этнографияси ва қўлёзмаларига қизиқиш жуда катта эди. Дастлаб сайёҳлар сифатида келган рус олимлари ҳам вазиятдан фойдаланиб, забт этилган хонликлардаги моддий бойликлар, нима бўлганда ҳам фан кишилари эмасми, айниқса, шарқ қўлёзмаларини зўр иштиёқ билан йиға бошладилар. Беҳисоб бойликларни ўзида мужассам этган ўлка мустамлакачиларни эсанкиратиб қўйди. Тўпланган буюмларни саралаш, расмий ниқоб учун чор ҳукуматига бир ташкилот керак бўлиб қолди. Шу тариқа музей ташкил этиш масаласи кўтарилди. Шу баҳонада арзимаган нархга, баъзан текинга аҳоли орасида ёдгорликларни тўплаш ишлари авж олдириб юборилди. Сабаби халқ ичида ноёб буюмларни тўпловчи тошкентлик Акрам Асқаров каби коллекционерлар ҳам кўп эди. У киши Туркистон тарихига оид ёдгорликларни тўпловчи атоқли киши бўлиб, Париждаги археология жамиятига аъзоликка ҳам сайланган эди. Афсуски, унинг вафотидан сўнг тўплаган ёдгорликлари талон-тарож бўлиб сотилиб кетган. 14 минг танга ва 200 та буюм Туркистон генерал-губернатори А.Б.Вревский буйруғига асосан Петербургга жўнатилган. Тўпловчилар орасида бойлик орттиришни кўзлаганлар, манфаатпараст коллекционерларни ҳам кўплаб учратиш мумкин эди.

— Халқ учун музей очишмагандир?

— Қаёқда дейсиз? Чор маъмурияти ўз талончилик сиёсатига маданий тус бериш учун Туркистон ўлкасини ўрганиш ниқобида турли археологик ва географик жамиятларни ташкил қилди. Уларда асосан Россиядан келган шарқшунослар тадқиқот олиб борганлар. 1858-59 йилларда подполковник Н.П.Игнатьев билан Хива ва Бухорога ташриф буюрган шарқшунос П.И.Лерх 30 дан ортиқ нодир қўлёзмаларни Осиё музейига топширган. 1871 йилда эса шарқшунос А.Л.Кун томонидан тўпланган 97 та шарқ қўлёзмаси Туркистон генерал-губернатори Кауфман томонидан Петербург кутубхонасига жўнатилган. 1873 йили чор Россиясининг Хива хонлигига босқинидан сўнг А.Л.Кун ва сафдошлари тўплаган катта миқдордаги қўлёзмалар ва ҳужжатлар ҳам жўнатилган. Улар орасида 200 дона танга зарб қилишда ишлатиладиган штамплар, Хива хонининг муҳрлари, тахти, 3 мингдан ортиқ танга ва этнографик буюмлар бор эди. Ваҳоланки, шу даврларда Тошкентда музей ташкил қилиш масаласи кўрилаётган эди. 1875 йилда эса Кўқон хонлигига ҳарбий юришда 300 дан ортиқ шарқ қўлёзмалари, хонликдаги вақф ҳужжатлари, хатлар, ёзишмалар ҳам Петербург кутубхонасига жўнатилган. Бундай чет элга олиб кетилган экспонатлар тақдири билан ҳамиша қизиқиб келамиз, тарихчиларимиз улар ҳақида кўплаб мақолалар ёзишмоқда, рисолалар чоп этилаётир, янги-янги маълумотлар тўпланмоқда. Авлодларимизнинг улар ҳақида ҳам билиб қўйганлари яхшида.

— Энди бевосита музейнинг кўргазма заллари ҳақида гапириб берсангиз.

— Президентимиз кейинги ташрифи пайтида музейни янада такомиллаштириш, аҳамиятини юксалтириш бўйича ўзининг қимматли фикр-мулоҳазаларини ҳам баён қилди. Бу эса ўз навбатида музейимиз фаолиятида ватанимиз тарихининг илмий асосланган яхлит ва изчил экспозициясини ташкил қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирда музейнинг асосий экспозицияси 10 бўлимдан иборат. Биринчи қаватда қадимги даврлардан бошлаб то XIX асрнинг бошигача бўлган давр, иккинчи қаватда эса XIX асрнинг бошидан то шу кунларгача бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихнинг гоҳ инқирозлар, гоҳ юксалишлар билан узлуксиз давом этганлиги ва юртимизнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни музей воситалари орқали тўла очиб берилган.

— Музейнинг барча экспозициялари, айниқса, мустақиллик даври бўлимини алоҳида завқ билан кўриб чиқдик...

— Тўғри айтасиз. Экспозициямизнинг ҳозирча якуний бўлимини мустақиллик даври ташкил этади. Йиллар ўтиб, бу бўлим ҳам энг ёрқин тарих бўлиб қолади. Бу бўлимда салкам 12 йил давомида Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида Ўзбекистон халқи қўлга киритган ютуқлар, барча соҳалардаги туб ислоҳотлар, маънавиятимиз ва қадриятларимизнинг тикланиши, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт, фан ва техника ютуқлари, ватандошларимизнинг спорт соҳасидаги зафарлари, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкамланиб бораётган ўз ўрни кенг қамровли экспонатлар орқали намойиш этилган.

— Халқаро ҳамжамият дедингиз. Музей фаолиятида халқаро ҳамкорлик, хорижликларнинг унга муносабати ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

— Музейимиз жамоаси халқаро ҳамкорлик борасида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Биз АҚШ, Германия, Малайзия каби давлатлардаги халқаро кўргазмаларда ноёб экспонатларимиз билан иштирок этдик. Шулардан ҳам маълум бўлдики, жаҳонда ўзбек халқи тарихи ва маданияти, мустақиллигига қизиқиш жуда катта экан. Айниқса, музейимиз экспозицияларида намойиш этилаётган қадимий ва ноёб осори-атиқалар ҳар бир кишини ўзига мафтун қилди. Музейга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонларимиз баъзи бир экспонатлар олдида ҳавас билан узоқ туриб қоладилар. Шундай хорижликлар ҳам борки, улар музейга қайта-қайта келадилар.

Яна бир фактни айтиб ўтиш жоиз деб биламан. Музей қайта ташкил этилиб, очилгунга қадар кўплаб хорижликлар бу кунни жуда сабрсизлик билан кутдилар. Менимча, бу ҳам музейимизга берилган ўзига хос бир баҳо.

— Шу ўринда юртдошларимизнинг музейга келишлари фаоллиги, таркиби ва музей билан танишиш тартиблари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Юртдошларимиз музейга одатда икки-уч киши, оилавий ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб келишади. Ёш жиҳатидан, халқона айтсак, олти ёшдан олтмиш ёшгача кишилар, турли касб эгалари бор. Музейга келувчилар, агарда гуруҳ бўлиб келишса, аввалдан музей маъмурияти билан келишилган график асосида ташриф буюрадилар. Графиклар тузиш тартиби келувчиларга барча қулайликларни яратиш эҳтиёжидан келиб чиққан. Гуруҳлар учун экскурсоводлар тайинланади. Бундан ташқари улар ўз истакларига кўра экскурсовод олишлари ёки ўзлари кўриб чиқишлари мумкин. Бирор савол туғилса қаватлардаги навбатчи мутахассислар дарров жавоб беришади. Менинг фикримча, музейга биринчи бор ташриф буюрган мухлислар, албатта, экскурсовод билан биргаликда музейни айланишса, кўпроқ ва изчил маълумот олишади.

— Фикрингизга тўла қўшиламан. Бу ерда, албатта, бирор кишининг ёрдами керак. Шунда музей одамлар учун фақат томошагоҳ эмас, балки билимларини оширувчи маскан ҳам бўлади. Келувчиларнинг туғилиши мумкин бўлган саволлари учун уларга хизмат кўрсатаётган мутахассислар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Музейимизда келувчиларга асосан тарихшунос ва музейшунослар хизмат кўрсатадилар. Юқорида айтганимдек, музей билан экскурсоводлар таништирадилар. Бирор давр ёки мавзу бўйича тўлароқ маълумот олишни истаганлар учун етакчи илмий ходимлар томонидан махсус маърузалар уюштирилади. Ҳар бир ходимимиз экспонатларни илмий-оммавий шаклда тавсифлаб бера олади. Музейшунослик талабларига асосан улар паспортини ёзиш, сақлаш, таъмирлаш ва кўргазмаларни ташкил этиш малакасига эга.

— Донолардан бири ўзини зиёли билган ҳар бир киши ўз халқининг тили, тарихи, урф-одатлари, маданиятини яхши билиши керак, деган экан. Ҳозир жамиятимизнинг улкан вазифаларидан бири келгуси авлодни умуминсоний қадриятларга уйғунлашган миллий анъаналар асосида ҳар жиҳатдан етук қилиб тарбиялашдан иборатдир. Музейнинг ёшларни тарбиялаш борасидаги аҳамияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Ҳақиқатан музейимизга ташриф буюрган ҳар бир ватандошимиз ўз ватани тарихи: ютуқлари ва инқирозлари, уларнинг сабаблари, урф-одатлари, турмуш тарзи, озодлик ва эркинлик учун кураш олиб борган аждодлари, буюк мерос қолдирган маънавият юлдузлари ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлади. Табиийки, бу таассуротлар уларнинг қалбида фахр, ватанга садоқат ва ҳозирги мустақиллик нашидасига шукр қилиш ҳисларини уйғотиб, янада камол топтиради. Президентимиз айтганларидек: "Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат".

Менимча, таълим тизимининг барча босқичларидаги устозлар ёшларга музейларнинг аҳамияти ҳақида янада кўпроқ сўзлаб берсалар, ўқувчилари, талабалари билан музейларга тез-тез келиб турсалар, қутлуғ ишлардан бири бўлар эди.

— Музей режалари, муаммолари, келажаги ҳақида ўз мулоҳазаларингизни билдирсангиз.

— Иш бор жойда муаммолар бўлиши табиий. Уларни фаолиятимиз давомида бартараф этиб бораяпмиз. Режаларимиз жуда катта. Масалан, музейимиз қошида тарих фанининг долзарб муаммоларига бағишланган анжуманларни изчил давом эттирамиз. Ҳозир бу ерда музей жамоаси билан ўрта мактаблар, академик лицейлар, олий ўқув юртлари талабалари иштирокида маънавият машғулотларини ўтказиш, абитуриентларнинг тарих фанидан тест синовларига тайёрланиши учун илмий ходимлардан иборат гуруҳни ташкиллаштиришни мўлжаллаяпмиз. Республикамиз олимлари билан ҳамкорликларимиз ҳам давом этади, албатта. Халқаро кўргазмаларда иштирокимизни ҳам сусайтирмаймиз.

Бир сўз билан айтганда, жамоамиз ўз фаолиятини Президентимизнинг "Ўтмишсиз келажак йўқ", деган ҳикмати асосида бажариб келди ва шундай давом эттиради.

— Суҳбатингиз учун раҳмат! Халқимизнинг "Юз бор эшитгандан, бир бора кўрган афзал", деган мақоли бор. Асрлар учрашган бу масканни ҳар бир юртдошимиз ўзи бир айланиб чиқса, хаёли узоқ асрларга парвоз қилади, қалбида халқимизнинг шонли тарихи ва нурли истиқлолидан фахр ҳисларини туяди.

Асқар МУСАҚУЛОВ
суҳбатлашди.

Bugungi davr har bir mutaxassisdan, u kimyogar yoki fizik, muhandis yoki agronom bo'ladimi, chet tilini mukammal o'zlashtirishni taqozo etmoqda.

G'oliblarga maxsus diplomlar, faxriy yorliqlar, pul mukofotlari va homiylarning esdalik sovg'alari topshirildi.

ТИЛ БИЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ, АММО...

Бугун пойтахт ЎМКҲТ муассасаларида хорижий тилни ўқитиш нега оқсамоқда?

Таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг хорижий тилларни мукаммал билишининг аҳамиятини баҳолаш мушкул. Аммо шуни очиқ эътироф этиш керакки, ушбу масалада Тошкент шаҳридаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг фаолиятида кутилган натижаларга эришилмаяпти. Айни пайтда пойтахтда республикамиздаги энг кўп, яъни 22 та академик лицей, 50 дан ортиқ касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатиши, уларда барча ўқув-техник шароитлар яратилганига қарамай, ўқувчиларнинг фан олимпиадалари ва олий ўқув муассасаларига кириш чоғида хорижий тил бўйича кўрсатаётган натижалари қониқарли аҳволда эмас. Жорий йилда ўтказилган фан олимпиадаларида хорижий тил мутахассислиги бўйича Тошкент шаҳри ЎМКҲТ муассасаларида таҳсил олувчилар бирон-бир ўринни қўлга кирита олмаганлиги ҳам бу соҳада ишлаётган мураббийларнинг фаолиятига берилган холисона баҳодир.

Шу ва шу хусусдаги кўпгина масалалар пойтахт ЎМКҲТ муассасалари ўқитувчилари иштирокида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Акмал Икромов академик лицейида ўтказилган «Хорижий тилларни ўқитишнинг самардорлигини ошириш» мавзусидаги илмий-амалий семинарда кенг муҳокама қилинди. Анжуман иштирокчилари дастлаб А.Икромов номидаги академик лицей ўқитувчилари ҳамда хорижлик муаллим Хелэн Уолш томонидан тайёрланган «Пул ҳақида», «Тинчлик ва хавфсизлик», «Ўзбекистон экологияси» сингари ўнлаб мавзудаги ноанъанавий очиқ дарсларни кузатдилар.

Тошкент шаҳар ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Озода Каримова семинарни расман очар экан, «Чет тилини ўқитиш замон талабига жавоб берадими?» деган умумий саволни барчанинг муҳокамасига ҳавола қилди ва ушбу муаммо юзасидан фикр алмашиш учун очиқ, эркин мулоқотга чорлади.

Таъкидлаш керакки, мактаб ўқувчилари 5-синфдан бошлаб хорижий тилни ўрганишга киришадилар ва таълимни олий ўқув юртларида давом эттирадилар. Бироқ кўп ҳолларда мактабни, айниқса, олий таълим муассасаларини тамомлаган кўпгина мутахассислар чет тилида эркин мулоқот қила олмайдилар, маълум бир тилни мукаммал ўзлаштиролмайдилар. Бунинг асосий сабаби нимада? Дарсликлар, ўқув методикаларда камчилик борми? Ўқитувчиларнинг малака ва маҳорати етарли даражада эмасми? Шу ва шу сингари кўпгина саволлар семинар давомида ўртага ташланди.

Шуни айтиш зарурки, бугунги давр ҳар бир мутахассисдан, у кимёгар ёки физик, муҳандис ёки агроном бўладими, чет тилини мукаммал ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Боиси, бугун жаҳондаги сўнгги фан ва техника ютуқларини тезкорлик билан ўзлаштира олмаган мутахассиснинг бугуни ва келажаги хусусида гап бориши мутлақо ўринсиз.

Мамлакатимиз ЎМКҲТ муассасалари ўқувчилари учун яратилган ўқув дастурлари хусусида Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей ўқитувчиси Жонона Азимова фикр юритди ва маъруза якунида қизғин мунозара бўлди. «Инглиз тили ўқитувчиларининг доимий ҳаракатдаги малака ошириш курсларида иштироки» мавзусида сўзлаган иқтисодиёт университети қошидаги академик лицей ўқитувчиси Дилбар Юлдашева бу борадаги камчиликларга тўхталди ва курслар давомида ўртага ташланган масалаларга яна бир бор кўпчиликнинг эътиборини қаратди. ЎзДЖТУ қошидаги академик лицей инглиз тили фани ўқитувчиси Раъно Шарипова бу йўналишда дарслик ва ўқув адабиётлари билан боғлиқ муаммолар хусусида гапирди. Маърузачи таъкидлаганидек, айни пайтда таълим муассасаларида ҳамон хорижий давлатларда нашр қилинган, асосан рус тилидаги ўқув адабиётларидан фойдаланилмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг чет тилини мукаммал ўзлаштиришига тўсқинлик қилмоқда. Шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ишлаётган ўқитувчилар томонидан дарсликлар ёзиш масаласига эътиборсизлик билан қараш, шу билан бирга дарсликлар яратиш устида иш олиб бораётган муаллифларни моддий-маънавий рағбатлантириш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Яратилаётган янги дарсликларни ҳатто пойтахт ўқувчиларига етказишда ҳам сусткашликларга йўл қўйилаётганлиги очиқ-ойдин айтилди.

Seminar

Семинар давомида хорижий тилларни мукаммал ўқитишда Жанубий Кореядан келтирилган замонавий жиҳозлардан самарали фойдаланиш, бу соҳада халқаро ҳамкорлик масалалари хусусида ҳам маърузалар тингланди. Анжуман якунида унда таъкидланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, келгусидаги долзарб ишлар белгилаб олинди.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

БИЛГАНИНИ ЎРГАТМАСЛИК — ИЛМДА ХИЁНАТ

Тошкент давлат техника университетида бўлиб ўтган олий ўқув юртлари факультетлари деканларининг навбатдаги анжумани шу шиор остида кечди

Бир қарашда одатий режадаги, ҳар ойда номигагина ўтказиладиган тадбирга ўхшаб туюладиган ушбу семинар ҳали бошланмасданоқ пайдо бўлган бундай хулосани йўққа чиқарди. Залда ташкил этилган мавзуга доир ўқув адабиётлари кўргазмаси, қатор қилиб тизиб қўйилган компьютерларда намойиш қилинаётган янги дастурий маҳсулотлар ва янгиликлардан иборат тарқатма материалларнинг улашилиши бунга асос бўлди. Шу ернинг ўзида ушбу ўқув материалларининг зарурларига эга бўлиш ҳам мумкин эди.

Маълумки, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сўнгги йилларда ҳар ойда олий ўқув юртлари факультетлари деканларининг амалий семинарини мунтазам ўтказиб келмоқда. Нега айнан бу гуруҳнинг йиғилиши ва унда қандай масалалар кўрилишини сўраганимизда Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов қуйидагича изоҳ берди:

— Факультетлар деканлари ўқув масканларимизда таълим жараёнини ташкил этадиган ва уни доимий назоратида ушлаб турадиган фаол кишилар. Шу боис биз уларни илмий-методик жиҳатдан таъминлашни, бўлаётган янгиликлардан воқиф этишни, энг муҳими, эшитиши лозим бўлган гапларни кимлардир орқали эмас, тўғридан-тўғри ўзларига етказишни ушбу анжуман мақсади этиб белгилаганмиз. Қолаверса, жойларда мавжуд бўлган тажрибаларни ўз кўзи билан кўриш, ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Тошкент давлат техника университетида ташкил этилган бу галги йиғилиш "Янги ўқув йилига тайёргарлик ва Вазирлар Маҳкамасининг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг олий ўқув юртларидаги ижроси" мавзусида бўлди. Тингланган 10 га яқин маърузалар ва уларга қўшимча тарзда тақдим этилган материаллар бугунги кунда юртимиз олий ўқув юртларида компьютерлаштириш, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш борасидаги ишларни янада жонлантиришга, янги ўқув йилига асосан мазмун жиҳатдан пишиқ-пухта тайёргарлик кўришга қаратилган эди.

— Аввало, Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан кўзланган вазифаларни амалга оширишда тизимдаги ҳар бир киши ўз ўрнини аниқ белгилаб олиши, масъулияти дориасидаги ишларни кўнгилдагидек бажариши лозим, — деди вазир С. Ғуломов. — Биз сизларни бир жойга жамлаб, бугунги гапларни айтишимиздан мақсад, деканлар талаба ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, уларга сифатли таълим берилиши учун шарт-шароит яратилишини мутасаддилардан талаб қилувчи раҳбарлардир. Шундай экан, вазирлигимиз томонидан ишлаб чиқилаётган барча меъёрий ҳужжатлар, дастур ва режаларнинг жойлардаги ижросини амалга оширишда сизнинг иштирокингиз жуда муҳим аҳамиятга эга. Негаки таълим сифатини ошириш, уни кўнгилдагидек ташкил этиш, иқтидорли талабаларни юзага чиқариш каби ишлар охир-оқибатда етук мутахассиснинг тайёрланишига, жамият ҳаёти фаровонлашувига омил бўлади. Бу борада ҳар бир деканнинг иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича индивидуал режаси бўлиши, унга асосан илгарилаб кетган талабаларни аниқлаш, имкониятларини тўлиқ ишга солиш учун имконият яратиш каби бир талай вазифалар бажарилиши керак. Шундагина биз пировард натижа — маънан баркамол, соғлом ва мутахассис сифатида етук шахсни тайёрлашга эришамиз.

Юқоридаги гапнинг исботи сифатида анжуманда ўзининг интернетдан автоматик равишда ахборотлар йиғишга хизмат қиладиган «E - Collektor» тизимини тақдим этган ТДТУ 3-курс талабаси Одил Никадамбоевнинг ушбу муаллифлик иши самаралилиги, қулайлиги ва тезкорлиги билан ажралиб туради. Анжуманда ТДТУ ректори Қ. Аллаев университетда профессор-ўқитувчилар салоҳиятидан унумли фойдаланиш, таълим хизматлари кўрсатиш ва бошқа тадбиркорлик ишларидан шаклланаётган бюджетдан ташқари маблағ эвазига уларнинг моддий-маънавий манфаатдорлигини ошириш юқорида таъкидланган ишларни кўнгилдагидек бажаришда асосий омил бўлаётганлигини таъкидлади.

Шу ўринда бир савол туғилади: қандай олий ўқув юрти бой бўлади? Албатта, бунда мазкур институт ёки университетнинг асосий вазифаси, яъни маълум йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш даражаси, сифати белгиловчи мезон бўлади. Чунки шундагина унга талабгорлар кўпаяди, давлат ва жамият эҳтиёжларига мос кадрларни тайёрлаётган олий ўқув юртигина унда мавжуд бўлиб қолишга ҳақли бўлади.

Семинар сўнгида иштирокчилар ўзлари тўплаган мавзуга доир маҳаллий ва хорижий материалларни ўзаро алмашишди. Уларнинг қанчалик даражада жойларга етказилиши ва жараёнга жорий этилиши эса, кейинги йиғилишда муҳокама этиладиган бўлди.

А. РАҲИМОВ

НУФУЗЛИ БОСҚИЧДАГИ КУРАШЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

13 майдан 16 майга қадар давом этган синовларда кимнинг "кўли" баланд келар экан, деган савол истасак-истамасак кўндаланг турарди. Уларнинг билимини "тарози"да ўлчаб кўришга мўлжалланган савол, топшириқлар бир-бирига ўхшамас ва бири-биридан мураккаб эканлиги ҳам аниқ. Чунончи, "Иқтисодий ахборот ва автоматик бошқариш тизимлари" фани беллашувлари қандай амалга оширилди? Бу ҳақда университет ўқитувчиси, иқтисод фанлари доктори профессор Баҳодир Бегаловнинг фикрларини тингладик.

— Бу фан ҳозирги кунда жуда катта аҳамиятга эга. Ахборотлар кўп, айниқса, улар орасида иқтисодий ахборотларнинг ўзига хос ўрни бор. Синовда иштирок этган талабалар ҳукмига ҳам иккитадан иқтисодий масала ҳавола этилди. Биринчисида ишлаб чиқарилган товарни то истеъмолчига етказишгача бўлган жараён қамраб олинганки, талаба энг оптимал вариантни тавсия қилиши керак. Асосий мақсад, истеъмолчининг талабини қондириш. Иккинчиси, ахборот хавфсизлигига доир муаммо. Бунда ҳар бир иштирокчи компьютер орқали маълум бир нуқтадан иккинчи манзилга қандайдир ахборотни кодлаштириб жўнатиши керак. Бунда унинг ҳимояланганлиги ҳисобга олинади. Талабалар билими тўртта мезон бўйича баҳоланди. Бунда университетимиз 2-курс талабаси Санжар Аҳмедов ғолиб деб топилди.

Хўш, университетда бўлиб ўтган бошқа ўқув ва мутахассислик фанлари бўйича натижалар қандай бўлди? Инглиз, немис, француз тиллари, "Статистика", "Хусусийлаштириш" фанлари бўйича бўлган олимпиадаларнинг барчасида мезбонлар биринчи ўринга лойиқ деб топилган.

ҚУРИЛИШ ВА ТАЪЛИМНИНГ БОҒЛИҚЛИГИ

Тошкент архитектура-қурилиш институти базавий ўқув даргоҳи ҳисобланганлиги боис бу ерга вилоятлардаги институт ва университетлардан вакиллар 15 май куниёқ етиб келиб улгуришди. Булар орасида Самарқанд архитектура-қурилиш институтидан 8 нафар, Наманган муҳандислик-педагогика институтидан 4 нафар, ТерДУдан 2 нафар, УрДУдан 4 нафар, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтидан 2 нафар, Жиззах политехника институтидан 2 нафар иштирокчилар бор эди. Айни пайтда қурилиш соҳасининг турли йўналишлари ўқитиладиган пойтахтдаги бошқа олий таълим муассасаларининг 2-босқич олимпиадасига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган талабалари ҳам бу ерда ҳозир бўлиб, аудиторияларга киришди.

Дарвоқе, қурилиш соҳасининг таълимга боғлиқ жиҳатлари ҳақида гапирмасдан иложимиз йўқ. Аммо шуниси ҳам борки, Тошкент архитектура-қурилиш институтидаги фан олимпиадаларида соҳанинг айрим йўналишлари қамраб олинди, холос. "Қурилиш конструкциялари", "Иншоотлар зилзилабардошлиги", "Қурилиш механикаси", "Материаллар қаршилиги", "Қурилишни режалаштириш, уюштириш ва бошқариш", "Архитектура", "Қурилиш буюмлари, конструкцияларини ишлаб чиқариш" мутахассислик фанлари шулар жумласидан.

Бу соҳанинг бошқа йўналишлари бўйича фан олимпиадалари Фарғона политехника, Тошкент автомобиль йўллари институтларида ҳам ўтказилди.

"Қурилишни ташкил этиш, бошқариш ва режалаштириш" фани бўйича ўтказилаётган синовни кузатамиз. Бешта институтнинг энг сара вакилларига 25 тадан тест саволлари тарқатилган. Улар буни уч соат мобайнида белгилаб, 100 баллик натижага эришишса, бу ғолибликни қўлга киритди дегани.

— Албатта, ҳар бир талаба тест саволларини ечишда биринчи ўринни қўлга киритгиси келади. Лекин илмий раҳбарлар орасида тортишувлар юзага келиб қолса-чи?

— Йўқ, тестда мунозара ва тортишувга асло ўрин йўқ. Чунки тўғри жавобларни ҳар бир раҳбар билади. Мураккаб масалалар тақдим этилган пайтда шундай ҳолатлар ҳам юзага келади, — дея жавоб берди бизнинг саволимизга ТАҚИ "Қурилиш технологиясини ташкил этиш" кафедраси мудири, техника фанлари номзоди, доцент Назарбой Бозорбоев.

Дарвоқе, фан олимпиадаларида иштирок этаётган олий ўқув даргоҳлари синовга олимпиададан камида бир ой аввал ўз вариантларини юборишлари керак. "Мезбон"лар эса бу вариантларни бир сидра кўздан кечириб, пухталаб, аралаш-қуралаш тарзда иштирокчилар ҳукмига ҳавола этишлари лозим. Афсуски, ТАҚИга Фарғона политехника ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтлари иккитадан вариант юборишганини ҳисобга олмаганда, бошқалар оғизларига талқон солиб ўтиришди. Бу эса мезбон томонга ортиқча ташвиш туғдирмай иложи йўқ эди. Агар озгина ҳафсала қилинса, бир дунё вариантлар тўпланар, рақобат муҳити юзага келарди.

Фан олимпиадалари бўйича масъул, техника фанлари номзоди, доцент Муҳайё Исмонхўжаеванинг таъкидлашича, иштирокчиларнинг бу масалага совуққонлик билан қараши синов жараёнида ҳам айрим норозиликларни келтириб чиқаради. Буни қатъи талаб тарзида қўйиш ва олимпиадани кенг миқёсда ўтказиш, ҳақиқатан билимдон, синчков, мураккаб масала ва тестларни бир пасда, ҳар хил усулларда еча оладиган ёшларни саралаш мавруди аллақачон етган.

Алқисса, олий таълимнинг қурилиш йўналиши беллашувида иштирок этган институтлар ичида бу гал ҳам мезбонларга омад кулиб боқди. 5 та ўқув ва 3 та мутахассислик фанлари бўйича чиндан ҳам мезбонларнинг билими биринчи ўринга муносиб деб топилган бўлса, ошлари ҳалол бўлсин.

Аслида-ку, гап ўринларда ҳам эмас, ғолибликни қўлга киритмаса-да, иштирокчилар синовдан ниманидир ўрганишади, билишади.

ИЛК БОР ИСПАН ТИЛИ ҲАМ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Республикамиздаги олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги хорижий тиллар бўйича фан олимпиадасининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Мазкур танловда мамлакатимиздаги 19 та олий ўқув юртининг 40 нафардан зиёд талабалари иштирок этишди. Икки кун давомида билимга чанқоқ, истеъдодли ёшлар ўзлари эгаллаган хорижий тил бўйича бор билим ва маҳоратларини ишга солиб, ғолиблик учун курашдилар.

Улар 4 хорижий тил — инглиз, француз, немис ва испан тилларида дастлаб тили ўрганилаётган мамлакатнинг давлат бошқарув тизими, иқтисодиёти, сиёсати, маданий ва маънавий ҳаёти тўғрисида сўзлаб беришган бўлса, кейинги шартда маълум мавзудаги нутқни эшитиб, унинг мазмунини магнит тасмасига ёзишди. Сўнгра 10-12 дақиқа давомида томоша қилинган фильмнинг қисқача мазмунини ёзма равишда баён қилишди. Ўлкашунослик, грамматик ва лексик материаллар асосида тузилган 60 та саволдан иборат топшириқларни компьютерда ечиш ҳамда нормал темпдаги ўзбек ёки рус тилидаги матнни чет тилига синхрон таржима қилиш танловнинг сўнгги шартлари эди. Иштирокчилар барча топшириқларни муваффаққиятли бажарганларидан сўнг уларнинг тўплаган баллари ҳисобланиб, ғолиблар аниқланди.

— Олимпиада — мураккаб жараён. Бу барчамиздан одиллик ва холисликни талаб этади. Шу маънода, бу йилги мусобақаларда ғолибларни аниқлаш бироз қийинчилик туғдирса-да, барибир уларнинг билимларини одил мезон билан баҳоладик десак янглишмаган бўламиз, — деди Ўрта Осиё — Америка таълимни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ташкилоти директорининг ўринбосари, инглиз тили бўйича ҳакамлар ҳайъатининг вакили жаноб Девид Байерс.

Олимпиада мусобақаларига Светлана Кагировалар лойиқ топилди.

Француз тилидан ЎзДЖТУ талабаси Барҳаёт Мирпўлатов 1-ўрин, СамДЧТИ талабаси Илнипур Бараташвили 2-ўрин, ЎзМУ талабаси Гўзал Абдураҳмонова 3-ўрин эгаларига айланишди. Ва ниҳоят энг сўнгги йўналиш — испан тили бўйича Дилшод Саиджонов (ТошДШИ), Наргиза Аванова (ЎзДЖТИ) ҳамда Алексей Ипанов (ЎзДЖТУ)лар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилдилар.

Ғолибларга махсус дипломлар, фахрий ёрлиқлар, пул мукофотлари ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Фан олимпиадаларининг республика босқичи ниҳоясига етди. Иқтидорли ёшлар кашф қилинди, уларга фахрий ёрлиқлар, 1-,2-даражали дипломлару эсдалик совғалари топширилди. Ҳаттоки, Термиз давлат университети ректорати ғолибларнинг илмий раҳбарларига ўзбекона урф-одатга кўра, тўн ҳам кийдиришди. Имконияти бор олий таълим муассасалари телевизор, аудио ва видеомагнитофонлар ҳам совға қилишди. Буларнинг барчаси эсда қоладиган воқеалар. Аммо билимдон ёшларни халқаро миқёсдаги олимпиадаларга жалб қилиш масаласи ҳам кўндаланг турибди.

Буни амалга ошириш мумкин. Талабаларда иштиёқ ҳам бор. Масаланинг асосий жиҳати маблағга келиб тақалганда эса, ҳаммамиз ҳам бармоқ тишлаб қоламиз. Сир эмаски, вилоятлардаги олий таълим муассасалари раҳбарлари Тошкентга юборяётган ўз вакиллари учун кетадиган сарф-харажатга ҳам қийналишади. Ана шу ҳисобга олинган ҳолда, бу йилдан эътиборан фақат биринчи ўринни эгаллаган талабагина республика босқичига келадиган, ҳам шахсий, ҳам умумкоманда ҳисобида ўз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди. Халқаро фан олимпиадаларининг барча йўналишларида иштирок этишса, ўзбек талабалари ўрин олмасдан қайтмаслигига кўзимиз етади.

Олимпиада билим эгаллашга ва ўша билимни катта курашда ҳимоя қилишга чорлайдиган босқич. Энг муҳими, синов майдонининг кенглиги ва катталиги, бунга эса минглаб ёшларнинг жўръат туйғуси-ла кириб боришида...

Ҳ.ТЎЙМАНОВА,
Ф.БЎТАЕВ,
"Ma'rifat"нинг
махсус мухбирлари

ДИЛЛАШУВ ВА ТИЛЛАШУВ

Ochiq muloqot

Олимлар билан учрашувдан бой таассуротлар оласан. Айниқса, педагогика йўналишидаги тадқиқотчиларнинг таълим муассасаларида бўлиши ўзига хос ижобий ҳодиса, дея баҳоланади. Сурхондарё вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига, Денов, Шеробод ва Музробот туманларига яқин-орада пойтахтдан педагогика соҳасидаги олимлар келмаган эди. Шу маънода Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ олимларининг кимё, биология, тил ва адабиёт ҳамда бошқа фан ўқитувчилари билан очиқ мулоқоти менимча, катта аҳамиятга эга бўлди.

Институтимизда ташкил этилган очиқ мулоқот дарсларида 300га яқин ўқитувчи, мактаб раҳбарлари, халқ таълими ходимлари гуруҳларга бўлиниб, иштирок этишди.

Институт 2001 йилдан бошлаб Халқ таълими вазирлигининг янги тизимида фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда "Тиллар, мусиқа ва санъат", "Педагогика ва психология", "Ижтимоий фанлар", "Табиий фанлар", "Амалий фанлар" кафедралари мавжуд. Ўқув, маркетинг, масофадан ўқитиш ва ахборот технологияси, нашриёт ва методик хизмат кўрсатиш бўлимлари ҳам ишлаб турибди. Уларда 73 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар, услубчи-назоратчилар ва техник ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда фаолият кўрсатаётган турли йўналиш ва тоифадаги 40 мингга яқин ўқитувчи, мураббий, тарбиячи, мактаб раҳбарлари ва кутубхоначиларга "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг II босқичи талаблари доирасида уларнинг билим, кўникма ва малакаларини янгилашга доир ижодий изланишлар олиб борилмоқда.

Профессор А.Абдуқодиров воҳамиз ўқитувчилари, мактаб раҳбарлари ва мутасадди шахсларига умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти талаблари, тизимни такомиллаштиришдаги янги педагогик технология ва таълим сифатини оширишдаги барча омиллар, шу жумладан, компьютер техникасининг истиқболи ҳақида ахборот берди.

Денов шаҳрида янги ташкил этилган "Устоз маркази"га Узун, Сариосиё, Олтинсой, Шўрчи ва Денов тумани мактабларидан истеъдодли ўқувчилар, ўқитувчилар тўпланишди.

Профессор А.Абдуқодировнинг "Умумий ўрта таълимда янги ахборот технологиялари: мазмун, восита ва усуллар" номли рисоласи ўқувчи ва ўқитувчилар учун ҳозирги кундаги муҳим қўлланма ҳисобланади.

Ахборот асрида яшаяпмиз. Ҳатто давлатнинг иқтисодий қувватини бойитишда ахборотларнинг соҳа жиҳатдан кўплиги, уларни қайта ишлаш, узатиш, сақлаш ва бирлаштириш зарурати ҳам вужудга келаётгани тингловчиларга етказилди. Мактаблардаги компьютер дастурлари ҳақида аниқ ва мазмунли тушунчалар берилди. Тингловчилар янги ахборот технологияларига тегишли маълумотларни мамнуният билан қабул қилишди.

Ушбу тадбирлар, ўйлаймизки, бесамар кетмайди. Янги педагогик технологияни қўллаш муаммолари бўйича қизғин баҳс-мунозараларга ҳеч ким бефарқ муносабатда бўлгани йўқ.

Жарқўрғон туманидаги 11-мактаб химия-биология ўқитувчиси Х.Матиев, Термиз шаҳридаги 12-мактаб информатика ўқитувчиси М.Ёқубовалар янги педагогик технологияни жорий этишдаги ўз тажриба ва фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

А.САЛОМОВ,
Сурхондарё вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори

SARS sababli mamlakatga kelayotgan sayyohlar sonining kamayib ketganligi uchun Tailand hukumati ushbu kasallikdan og'rigan xorijlik sayyohga davolanishi uchun 100 ming dollar miqdorida pul berilishini ma'lum qildi.

Agar qaysiki ota-ona farzandining maktabdagi o'qishi bilan qanoat hosil qilib qolsa, ular qattiq yanglishadilar. Chunki maktabda o'qituvchi o'quvchiga yo'nalish beradi. Qanday o'qib, o'zlashtirish tartibini o'rgatadi, xolos.

ИРОҚ БЎЙИЧА ЯНГИ РЕЗОЛЮЦИЯ

«BBC News»нинг хабар беришича, кеча Қўшма Штатлар Ироқ бўйича янги резолюция лойиҳасини БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этган ва кечанинг ўзида бу борадаги биринчи мунозаралар ҳам бўлиб ўтган. АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Жон Негропонтенинг фикрича, бугун Кенгаш аъзолари лойиҳа бўйича овоз беришлари керак.

Лойиҳадан эса БМТнинг Ироққа нисбатан амалда бўлган жазо чораларини бекор этиш, халқаро инспекторларни юборишни қайта кўриш, мамлакатда янги ҳокимият тузиш, тикланиш жараёнлари, мамлакатнинг ташқи қарзлари ва бошқа масалалар ўрин олган. Жек Негропонтенинг маълум қилишича, Ироққа гуманитар ёрдам бериш, тикланиш ва бошқа кўплаб соҳаларда БМТ роли устивор бўлди.

КАСАЛЛАНГАН САЙЁҲГА 100 МИНГ ДОЛЛАР

Женева шаҳрида бўлиб ўтган 56-Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясида Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дунё давлатларини янги юқумли касалликка биргаликда курашишга чақирди. 191 давлат делегациялари олдида чиқиш қилган мазкур халқаро ташкилот раҳбари Гру Харлем Брутланд касаллик туфайли оммавий қурбонлар берилиши сўнгги бор 1919 йили гриппнинг оғир кўриниши туфайли юз берган бўлиб, ўшанда 40 млн. киши ҳаётдан кўз юмганлигини урғулаган. Бугунга қадар эса янги SARS хасталиги туфайли дунё бўйича 643 киши ҳалок бўлди ва 7864 киши зарарланди.

SARS сабабли мамлакатга келаётган сайёҳлар сонининг камайиб кетганлиги учун Таиланд ҳукумати ушбу касалликдан оғриган хорижлик сайёҳга даволаниши учун 100 минг доллар миқдорида пул берилишини маълум қилди. Ҳукуматнинг бундай чора қўллашдан мақсади сайёҳлар сонини оширишдир.

АФУЛ — БЕШИНЧИ ПОРТЛАШ

Исроил шарқининг Афул шаҳридаги савдо марказида юз берган портлаш туфайли уч киши ҳалок бўлган эди. Шундан сўнг Исроил кучлари Ғазо секторини батамом ёпиб қўйди. Лекин БМТ вакилларининг фикрича, расмий Тель-Авивнинг бундай қарори халқаро ташкилот вакилларининг Фаластин ҳудудларига инсонпарварлик ёрдамларини олиб киришларига умуман имкон бермаяпти.

Афулдаги фожеа сўнгги икки ҳафта ичидаги бешинчи террор акти саналиб, уни аёл камикадзе амалга оширган. Жиноят жавобгарлигини эса «Ислом жиҳоди» ва «Ал-ақсо жабрдийдалар бригадаси» ўз зиммасига олганлар.

СОБИҚ ҲОКИМ УШЛАНДИ

«Новости» ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Афғонистон — Эрон чегарасида Американинг Федерал Тергов Бюроси ходимлари Кобул шаҳрининг собиқ ҳокими Муалави Муҳаммад Ислом Ҳаққонийни ҳибсга олганлар. Толибон ҳаракати раҳбари мулла Муҳаммад Умарнинг энг яқин тарафдорларидан саналган Ислом Ҳаққоний Муҳаммад Салим дея ёзилган ҳужжат билан чегарадан ўтаётганида қўлга олинган. Ҳозирда собиқ ҳоким Кобул яқинидаги америкаликларнинг Баграм ҳарбий базасига келтирилган бўлиб, ундан мулла Муҳаммад Умар ва Усама бин Лоденлар ҳақида маълумотлар олиниши кутилмоқда.



ВЕРТОЛЁТ ҲАЛОКАТИ

Ироқда АҚШнинг «CH-46 Sea Knight» вертолёти номаълум сабабга кўра Карбало шаҳри яқинида сувга қулаб тушган ва натижада 5 нафар Америка аскари ҳалок бўлган. Расмий манбаларга кўра, фожеага қуролли ҳужум эмас, балки вертолётнинг техник носозлиги сабаб бўлган. Қўшма Штатларнинг ҳарбий денгиз кучлари таркибида фойдаланиб келинаётган «CH-46 Sea Knight» русумли бундай вертолётлар юк ва одам ташишга мўлжалланган, дея хабар беради CNN агентлиги.

ҲИНД ОКЕАНИДА ЎҚУВ МАШҚЛАРИ

Кеча Россия — Ҳиндистон ҳарбий денгиз кучлари Ҳинд океанида биргаликдаги ўқув машқларини бошлашган, дея хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги. Унда Россия томонидан Қора денгиз флотига қарашли «Москва» ракетоносеци, кемаларга қарши ҳаракат олиб борувчи «Маршал Шапошников», «Адмирал Пантелеев» каби 9 та кема иштирок этаётган бўлса, Ҳиндистон томонидан қатнашаётган кемалар орасида қанотли ракеталар учириш қудратига эга кемалар ҳам бор. Россия флоти кучлари собиқ иттифоқ тарқалгандан буён илк бор хорижий ҳамкорлари билан ўқув машғулотлари ўтказаётган бўлса, ҳиндистонликлар ўтган йилнинг сентябрь ойида американикалар билан машғулотлар ўтказган эдилар.

МАКТАБ – УНИНГ ИККИНЧИ УЙИ



Жамиятимизда ҳаётини ҳалол меҳнатга, илм-маърифатга, меҳнат ва ижодини омма хизматига бахшида этаётганлар сон-саноқсиз. Улардан бири Илёс ака Худойбердиев бўлиб, у ҳозирги кунда Оқолтин саноат касб-ҳунар коллежида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаяпти.

Илёс ака 1969 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультетини тамомлаб, қўшни республиканинг Жетисой туманидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» ширкат хўжалигида ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор ўринбосари вазифаларида ишлади. Дастлабки иш фаолияти давомида болаларга меҳрибонлиги, уларни чин дилдан сева олиши билан оғизга тушди...

Яхши устоз зиё сочар, деб халқимиз бежиз айтмаган. Илёс Худойбердиев 1977 йилда Оқолтин туманидаги 8-мактабга директор бўлди. У ўзининг моҳир педагог, ишбилармонлигини кўрсатди. Ишни дастлаб жамоанинг ахиллигини таъминлашдан бошлади. Билимдон ўқитувчилар билан тил топиб, қандай қилсак таълим йўналишини яхшилаймиз, деган мақсадда режали, тартибли иш бошлади. Тез орада ташаббускор ходим эканлиги билан мактаб жамоасигагина эмас, ҳатто туманга танилди, мактаб унинг иккинчи уйи бўлди. Эрталаб ғира-шира тонг отгандан, кечқурун кўз кўрмагунча мактабда бўларди. Ўқитувчилари ҳам устоз изидан боришди. Натижада ўқувчиларнинг билим савияси оша борди, янги технология асосида дарс ўтадиган ўқитувчилар сафи кенгайди. Кўргазмали дарс ўтадиган ўқитувчилар 100 фоизни ташкил қилди. Мактаб ўз навбатида 1982 йилда барча кўрсаткичлар бўйича вилоятда биринчи ўринни эгаллади. Бу ишларнинг бошида, албатта, Илёс ака куч-қувват бўлди.

Ehtirom

Илёс Худойбердиев ҳақида қанча гапирсак оз. Ўз ишини ўзи билиб қиладиган, баҳона изламайдиган белбоғи маҳкам инсон. Матбуотни севади. Туман, вилоят, республика газеталарида турли мавзудаги мақолалари билан қатнашиб туради. У кишининг севимли мавзуси одамийлик, одоб-ахлоқ, фарзанд тарбиясидир.

— «Энг маданиятли, энг оддий инсон ким?», деб сўрасалар, мен ҳеч иккиланмасдан новча бўй, қотмадан келган, сочларига оқ оралаб, уст-боши доимо топ-тоза, дазмолланган, ҳатто туфлисига ҳам гард юқтирмайдиган Илёс ака Худойбердиевни кўрсатган бўлардим, — дейди «Оқ олтин овози» газетаси бош муҳаррири Муҳиддин Бултаков.

Ҳақиқатан ҳам бу гапда жон бор. У ўн фарзанднинг севимли отаси, юртнинг вақти келганда маслаҳатгўйи, нонини ҳалол еган, имони бут, ризқи бутун инсон. Айтгандай, у кишининг «Одамийлик сабоқлари» китоби 5 минг нусхада нашр қилиниб, вилоят, туман мактабларига тарқатилган. Бундан ташқари «Сирдарё жилолари», «Истиқлол илҳомлари» тўпламларида ижодидан намуналар берилган. Илёс Худойбердиев турмуш ўртоғи Ҳалима Худойбердиева билан аҳил-иноқ яшаб, 6 қиз, 4 ўғилни ўстириб, уларни эл назарига туширди. Фарзандининг энг кенжаси Феруза Худойбердиева Тошкент аграр университетининг II курс талабаси.

Қолган 9 нафари олий маълумотли. 3 нафари ота касбини эгаллаган.

Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, меҳнат фахрийси, туман кенгашининг депутати бўлган Илёс Худойбердиев илғор тажрибаларини туман ва вилоятлардаги ҳамкасблари билан баҳам кўради. У «Одобнома», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанларини ўтишда ижобий ишларга қўл уриб, ўқитувчиларнинг 1991 йил Фарғонада, 1996 йил Бухорода бўлиб ўтган педагогик ўқишларида қатнашиб, бу борадаги иш тажрибаларини, ўз фикрларини баён этган.

Меҳнат фаолияти давомида кўплаб шогирдлар етиштирган устоз, мураббий Илёс Худойбердиев қутлуғ 60 ёшида босиб ўтган умр йўлидан мамнун.

Ёркул АЛИМҚУЛОВ,
психология фанлари номзоди,
Улуғбек САЙДАЛИЕВ,
Оқолтин туманидаги 8-мактаб директори

«МИНТАҚАМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ – ДУНЁ БАРҚАРОРЛИГИ ЙЎЛИДА»

Ҳозирги давр халқаро тараққиётида Марказий Осиёда юзага келган ҳолат, шунингдек, уни бевосита белгиловчи омиллар ҳақидаги мавзу энг долзарб масалалардан биридир. Бугун минтақамиздаги вазиятга маълум даражада таъсир кўрсатаётган бир қатор омиллар бор. Кейинги йилларда Марказий Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳарбий вазиятга маълум даражада салбий таъсир этиб, айни пайтда мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгиланишлар йўлидаги ислоҳотларнинг ривожига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ҳам бор. Оддийроқ қилиб айтганда, бу тўсиқлар халқаро омиллар билан боғлиқ.

Аввало минтақамизга, демакки, бизнинг ҳам тараққиётимизга жиддий таъсир этаётган омил — бу Афғонистон билан боғлиқ. Маълумки, афғон диёрида қарийб йигирма беш йил биродаркушлик уруши давом этишининг асосий сабаблари ҳам халқаро омилларга бориб тақалади. Бу урушнинг оқибатида Афғонистон, аслини олганда, турли тоифадаги халқаро террорчилар ва экстремистларнинг полигонига, шунингдек, жаҳондаги йирик наркотиклар ва наркотрафик маконга айланиб қолди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларидаёқ Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов Афғонистон можаросини тинч йўл билан ечиш ҳамда бу уруш афғон заминидан ташқарига чиқиб, кучайиб кетишининг олдини олиш мақсадида қурол-яроғ етказишни тақиқлаб қўйиш таклифини айтган эди. Қарангки, ўша даврдаёқ дунёвий муаммодан фақат оғоҳ этишгина эмас, балки унинг сиёсий ечими бўйича ҳам аниқ ташаббуслар илгари сурилганди.

Бир тарихий воқеага эътиборингизни қаратсак: 1999 йилнинг ноябрида Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Истамбул (Туркия) анжуманида Президентимиз қуйидаги фикрларни баён қилган: «БМТ маълумотларига кўра, жаҳонда гиёҳванд опиумнинг 75 фоизи Афғонистонда етиштирилмоқда. Унинг 90 фоизи бевосита Европада тарқатилмоқда. Барчага шу нарса яхши аён бўлиши керакки, токи Афғонистонда уруш давом этар экан, хавфсизлик ва тинчликка, қўшни Марказий Осиё давлатларидаги демократик янгиланишлар ва ислоҳотларга бўлган хавф, халқаро терроризм манбаи сақланиб қолаверади ҳамда терроризмнинг минтақа чегарасидан ташқарига тарқалиши хавфи ҳам йўқолмайди...

Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Марказнинг асосий вазифаси эса терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим».

Дарҳақиқат, халқаро терроризмнинг 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтонда амалга оширган ваҳшиёна ҳуружи бутун дунёга шунча йиллар давомида таҳдид солиб келган мана шу ёвуз кучнинг жамики инсоният учун қанчалик катта хавф туғдириши мумкинлигини намойиш қилди. Вашингтон маъмурияти етакчилигида террорчиларга қарши коалициянинг ташкил этилиши оқибатида вайронкорлик, жангарилик йўлидаги толибон ҳамда уларни қўллаган терроризмнинг уяси ва истеҳкомларининг йўқ қилинишигина минтақамиздаги давлатлар ва халқларга осойишталик келтиради.

Тўғри, бугун ҳам Афғонистонда кўпгина ички ва ташқи муаммолар бор. Булар гоҳида сиёсий қурилиш, миллий-этник масалалар, идора этиш жабҳаси, молиявий-иқтисодий соҳада, баъзида эса хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ бўлган қийинчиликлардир. Албатта, салкам чорак аср вайрон қилинган ижтимоий-сиёсий ҳаётни бирдан изга солиш мушкул. Шундай бўлса-да, кейинги бир ярим йил ичида (бу ерда 2001 йил Германиянинг Бонн шаҳри яқинидаги Петероберг қароргоҳида Афғонистон муваққат ўтиш ҳукумати тузилиши билан боғлиқ жараён назарда тутилмоқда. — Ш.К.) афғон заминидаги ҳаёт аста-секин изга тушиб бормоқда. Табиийки, бу минтақамиз хавфсизлиги ва барқарорлиги учун муҳим омил саналади.

Хўш, бу жараён нималарда ўз аксини топмоқда? Аввалгамбор, БМТнинг диққат-эътибори ва йирик давлатларнинг (АҚШ, Япония, Англия, Италия, Испания, Австралия ва бошқалар) катта ёрдами туфайли Афғонистонда кечаётган бугунги ижобий жараёнлар нафақат мамлакатнинг тинч қайта тикланиши, балки улкан Марказий Осиё ҳудудидаларни қамраб олувчи кенг давлатлараро алоқамиқёсли коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳам имконият яратади. Бундан эса минтақадаги аксарият давлатлар ҳамда халқаро молиявий тузулмалар тенг манфаатдордирлар.

Nigoh

Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорлик, албатта, дунё осойишталиги, хавфсизлиги билан чамбарчас боғлиқ. Бу тинчлик биринчи галда 60 млн.лик аҳолиси бўлган ва аҳоли сони тез кўпайиб бораётган минтақамиз истиқболи учун бениҳоя катта сиёсий аҳамиятга эгадир. Афсуски, минтақа истиқболларини кўролмайдиган кучлар борлигини ҳам эътиборда тутишимиз керак. Масалан, Марказий Осиёдаги умумий вазиятни ўта мураккаб деб кўрсатишга, Афғонистондаги барқарорлик бузилиши, толибларнинг, турли хил жангари диний, экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг қайта бош кўтаришлари мумкинлиги ҳақида тахмин ёки башорат қилишга уринишлар ҳам кузатилаяпти. Марказий Осиёда бизнес ва инвестициялар учун маълум бир хавф борлиги тўғрисида гапираётганлар ҳам йўқ эмас.

Реал вазиятга бир нигоҳ солсак: умуман, афғон диёрида ҳақиқий тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига ҳали анча вақт бор. Бироқ, жаҳон ҳамжамияти шунча воқеалардан кейин (2001 йил сентябрь воқеаларидан сўнг дунё сиёсий ва маънавий, ҳатто таъбир жоиз бўлса, мафкуравий майдонида юзага келган ўзгаришлар назарда тутилмоқда. — Ш.К.) ўз фаолиятини ярим йўлда тўхтатиб қўйиши мумкинми? Йўқ, албатта. Афғонистоннинг қайта тикланиши йўлида давом этаётган ижобий жараёнлар орқага чекинишга йўл қўйилмайди.

Қарангки, Ироқни қуролсизлантириш бўйича олиб борилган ҳарбий ҳаракатларнинг бошланишидан олдин ҳам, «Ироқни озод қилиш» номи билан аталган операция фожеали ва ҳалокатли оқибатларга олиб келиши, биринчи навбатда Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқариши ҳақида кўп башоратлар, тахминлар ва қарашлар билдирилган эди. Маълумки, Ўзбекистон бу масалада аниқ ва қатъи йўл тутиб, АҚШнинг Ироққа нисбатан тутган позициясини ва сиёсатини қўллаб чиқди. Мамлакатимизнинг бу принципиал, айни вақтда пухта ва чуқур ўйланган йўли кўп жиҳатдан Марказий Осиёда Ироқ муаммоси бўйича эҳтиросларнинг авж олишига йўл қўймади.

Марказий Осиё — улкан имкониятлар макони. Шундай экан, бу минтақа геосиёсий рақобат ёки ҳарбий-сиёсий уюшмалар (блоклар ёки иттифоқлар. — Ш.К.) шаклланадиган ҳудудга айланмаслиги керак. Минтақамизнинг улкан хом-ашё ва молиявий-иқтисодий имкониятлари эса ушбу маконда истиқомат қилаётган халқлар тараққиёти ва фаравонлигидан манфаатдор бўлганларнинг барчаси учун очиқ. Дарвоқе, Ўзбекистон ҳукумати хорижий давлатлар раҳбарлари, банк ёки молиявий тизим мутасаддилари билан ўтказаётган учрашувлар, суҳбатлар, музокаралар, мулоқотлар чоғида минтақамиз хавфсизлиги ва барқарорлиги масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, бу учрашувларда ўзаро иқтисодий-сиёсий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда осойишталик, халқаро террорчилик ва экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинаяпти.

Ҳақиқатан ҳам, 2001 йил 11 сентябрдан кейинги воқеалар ривожи, Афғонистон ва Ироқда олиб борилган террорчиликка қарши ҳаракатлар якунлари, дунё сиёсий ва иқтисодий ҳаритасидаги аҳвол, кучлар мувозанати қанчалик тез ўзгараётгани ҳамда оламшумул, биринчи галда, коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш учун имкониятлар очилаётганини намойиш қилмоқда.

Минтақамиз ва дунё ҳамкорлигига хизмат қиладиган асосий йўналишлар бир неча тармоқни ўз ичига олиши мумкин: масалан, коммуникация ва транспорт (шунингдек, автомобиль ва темирйўл тармоғи) йўналишларини яратиш; магистрал қувурларни такомиллаштириш; сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш; энергетика манбаларидан тўғри ва самарали фойдаланиш; минтақадаги экологик муаммоларни биргаликда ҳал эта бориш ва бошқа вазифаларни ечиш. Табиийки, бундай улкан режаларнинг амалга оширилиши Юртбошимиз таъкидлаганидек: «минтақаларараро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, Буюк ипак йўлини замонавий асосда қайта тиклаш борасида муҳим қадам бўлади».

Шоҳруҳ КАРИМБЕКОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти магистранти

УҚИШ МАКТАБДА, УҚИШ УЙДА, ИНТИЛИШ МАҲАЛЛАДА БУЛАДИ

Ҳар гал содир этилган жиноятлар ҳақида гап кетганда турли хил важлар сабаб қилиб кўрсатилади. Аммо улардан биттаси, яъни жиноятчи тарбиясидаги қусурлар, билим доирасидаги нуқсонлар — саводу савиянинг ҳаминқадарлиги энг асосийси саналади.

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковники Сафар Сармонов билан кечган суҳбатимиз ҳам ички ишлар идоралари ходимлари томонидан фош этилаётган жиноятларнинг очилиши, камайгани ёки кўпайгани тўғрисида эмас, балки уларнинг сабаблари ҳамда олдини олиш борасида қандай чора-тадбирлар кўрилаётгани ҳақида бўлди.

— Сафар ака, бесабаб тикон кирмас, деганларидек, ҳар бир жиноий ҳолат ҳам қандайдир сабаблар туфайли содир бўлади. Аммо кейинги пайтда айрим шахслар бошқа мақсадни кўзлаб, айтайлик, бирор кишининг уйига ўғриликка кириб, қотиллик, талончилик, босқинчилик каби оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишмоқда.

Шу ўринда, жиноятчининг «Мен ўлдирмоқчи эмасдим», дея айтган гапи қисман бўлсин уни оқлашга ёки қилмишини енгиллатишга хизмат қилиши мумкинми?

— Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Номаълум шахсми, маълум кимсами, бировнинг уйига берухсат кирдими, у қонунни бузди. Хонадон эгасининг жонига бўлмасада, мол-мулкига тажовуз қилиш учун кирди. Демак, мақсади ўғрилик. Бироқ уй эгаси хабар топгач, у жиноят изини яшириш учун хонадон соҳибини ўлдирди.

Бу ҳолатда унга шафқат қилиб бўлмайди. Чунки у аввалги режаси барбод бўлгани учун, иккинчи мақсадини амалга оширди. Шу боис, унинг мен ўлдириш учун кирмагандим, деган гапи нотўғри. Бу қабиҳ ният унда хонадонга киргунича бўлмаган бўлса-да, бироқ кейин пайдо бўлган.

— Демак, бундай шахс ўз қилмишини хаспўшлаш учунгина «Ўлдириш ниятим йўқ эди», деган важни сабаб қилиб кўрсатишга уринар экан-да. Лекин айтинг-чи, унинг жиноятга қўл уриб, ўз умрини ҳам барбод қилишига асл сабаб нима деб ўйлайсиз?

— Сабаблари ҳар хил, аммо ҳар қандай жиноятнинг бош сабабларидан бири тарбияга, илмга тақалади.

Тарбиянинг яхши эмаслиги, илмнинг пастлиги инсоннинг ножўя қадам босишига, жамиятда ўз ўрнини топиб кета олмаслигига олиб келади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу турдаги жиноятлар аксарият ҳолларда уюшган ҳолда содир этилаётир. Қолаверса, уларнинг иштирокчилари ёшлар. Шу боис, бугунги ёшларимиз тарбиясининг мукаммал бўлиши, уларнинг билимларни пухта эгаллашлари учун қайғуришимиз керак. Ота-оналаримиз фарзандини яхши едириб-ичириш ташвишидан ёки қимматбаҳо кийимлар олиб бериш қайғусидан кўра, мукаммал билим олишлари ҳақида жиддий ўйлашса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу ўринда бир гап. Агар қайсики ота-она фарзандининг мактабдаги ўқиши билан қаноат ҳосил қилиб қолса, улар қаттиқ янглишадилар. Чунки мактабда ўқитувчи ўқувчига йўналиш беради. Қандай ўқиб, ўзлаштириш тартибини ўргатади, холос. Ўқувчи эса уйда ўқиши, тўғрироғи, ўқиганини уқиши зарур.

Иккинчи жиҳат, инсоннинг жамиятдаги ўз ўрнини топишида маҳалла ҳам муҳим аҳамият касб этади. Негаки, ҳар бир бола маҳаллада турли хил касбдаги ва ҳар хил характердаги кишиларни кўради. Улар билан мулоқотда бўлади. Яхши, обрўли, ҳурматга сазовор кишиларга ҳавас қилиб, келажакда улардай бўлишга интилади. Аммо шу ўринда битта умумий камчилигимиз хусусида ҳам тўхталмоқчи эдим.

Биз кейинги пайтда жамоат назоратини деярли унутиб қўйдик. Халқимиздаги истиҳолалилик, андишалилик каби фазилатлар кўриниб турган нуқсонларга нисбатан гоҳида бефарқликни, эътиборсизликни вужудга келтирмоқда. Айтайлик, ота-она эрталабдан кечгача ишда. Фарзанди эса кўчада ёмон болаларга қўшилиб сигарета чекишни ўрганди. Буни кўрган қўшниси ўша болани койиш у ёқда турсин ҳатто «Болам сигарета чекма, отанга айтаман» ҳам демайди. Жилла қурса ота-онасини «Ҳой қўшни, ўғлингиз сигарет чекаяпти», дея огоҳлантирмайди ҳам. Натижада, кўп қаватли уйлар йўлакларида ёш йигит-қизлар гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишмоқда. Тўғри, биз уларни аниқлаяпмиз. Тегишли чора кўраяпмиз. Аммо жамоат назорати яхши йўлга қўйилса, эътиборли бўлсак, улар қамалиб кетмайдилар.

Менга нима, у бировнинг боласику, деган одатнинг ёмон оқибати шундаки, нотўғри йўлга кирган бола бир кун келиб уни кўриб кўрмаганга солган ўша қўшнисининг боласини ҳам ўз даврасига тортади. Шунинг учун биз маҳаллаларда бўладиган йиғилишларда, айниқса, кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларга маҳалла боласига эътибор қилишларини, бир-бирининг фарзандларига ўз фарзанди каби муносабатда бўлишларини қайта-қайта таъкидлаяпиз.

— Демак, ўқиш мактабда, уқиш оилада ва интилиш маҳаллада бўлади, демоқчисиз. Шундай экан, бу уч маскан ҳар бир инсон тарбиясида ва камолотида ўзига хос тарбия ўчоғи вазифасини ўташи учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш зарур?

— Бугунги кунда нафақат маҳалла, мактаб ва оиланинг, балки милициянинг ҳам ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга етарли шарт-шароитлар мавжуд. Масалан, ҳар бир ташкил этилган милиция таянч пунктларида профилактика инспекторлари билан биргаликда маҳалла қўмитаси, хотин-қизлар қўмитаси ва яраштирув комиссияси, маҳалла посбонлари ҳамда педагог-тарбиячилар фаолият олиб боришмоқда.

Жорий «Обод маҳалла йили»да ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳалла гузарларида маиший хизмат устахоналари, кичик бизнес тармоқлари барпо этилмоқда. Уларга ишсиз юрган ёшлар, фуқаролар жалб этилмоқда.

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги 162-сонли қарори асосида ташкил этилган маҳаллалардаги педагог-тарбиячилар маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлигини таъминлашда қандай ишларни амалга оширишаётир?

— Улар ўқувчиларнинг мактабдан бўш пайтларидаги вақтларини мазмунли ўтказиш чора-тадбирларини кўришиб, профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда маҳалла болаларини спорт машғулотлари билан шуғуллантирмоқдалар, уларни касб ўргатиш тўгаракларига жалб этмоқдалар. Шунингдек, улар милиция ҳисобига олинган тарбияси оғир ўсмирларни, яъни ота-онасининг гапига қулоқ солмасдан кўчага чиқиб кетадиган, ўқитувчисининг таълимини олмасдан дарсни ташлаб санғиб юрадиган болаларни тўғри йўлга солишда ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда.

Суҳбатдош:
Шуҳрат РЎЗИЕВ

Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув-методика Марказида 2003 йилнинг июнь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1 Мактабгача таълим муассасаси мудиралари 2.06.03.-30.06.03 (28 кунлик)

2 Мактабгача таълим муассасаси қисқа муддатли мудиралари 2.06.03-19.06.03. (18 кунлик)

Мактабгача таълим муассасаси услубчилари 1.06.03.-27.06.03 (24 кунлик)

3 Мактабгача таълим муассасаси психологлари 2.06.03.-27.06.03. (18 кунлик)

ЭСЛАТМАЛАР:

1. Тингловчилар Марказнинг янги таъмирланган, шинам, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхонасига жойлашадилар. Марказ қошидаги кутубхонадан фойдаланадилар. Машғулотлар Республикадаги таниқли олимлар, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари, малакали, етук мутахассислар томонидан олиб борилади. Санъаткорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Хотира майдони, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.

2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари лозим.

3. Тингловчиларнинг хизмат сафари харажатлари Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Республика ўқув-методика Маркази ҳисобидан тўланади.

Манзил: Тошкент-95 Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй.

Зангиота тумани ҳокимлиги томонидан Назарбек Қ.Ф.Й.даги "Тойир ота" фермер хўжалигига берилган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, жамоа ташкилотлари ва мусиқа факультети жамоаси «Халқ қўшиқчилиги ва дирижёрлик» кафедрасининг концертмейстери **Абдурасул ЭРГАШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Attang, to'rttagina anjirni bargiga qo'yib Asqad akaga ko'tarib bormadim...

Kuyovining esa qamalmaganligi ma'lum bo'ldi. Kampir nihoyat yurak yutib, o'ramni ochib qarasaki, qatlam-qatlam oddiy qog'ozlar.

ОҚ ЙЎЛ, ҚЎЗИБОЙ!

Хоразмлик ўқитувчи, болалар шоири Қўзибой Исмоилов билан ўтган йили Нукус шаҳрида Республика ижодкор ўқитувчиларининг навбатдаги кенгашида танишган эдик. У ўзининг пухта, енгил ҳазил-мутойиба асосида ёзилган шеърлари билан кўпчиликнинг эътиборини қозониб, унинг «Сирли ёмғир» деб номланган биринчи китоби юқори баҳоланган эди. Мана бир йилдирки, Қўзибой билан хатлашиб турамиз. У Ҳазорасп туманидаги Феруз номидаги ўрта мактабда ишлайди. Унга соғлик ва ижодий омад тилаш билан бирга қаламкаш укамизнинг янги шеърларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Турсунбой АДАШБОЕВ

ТЕСТ

Авваллари зўр эди,
Бўлганида ёзма иш.
Тўғрисини айтганда,
Йўқ эди зарра ташвиш.

Нега деса устознинг
Кўзларини «бўярдим»,
Ишласа бир ўртоғим,
Кўчирардим қўярдим.

Тест дегани чиқдию,
Менга бўлди кўп азоб.
Топ! — деб ёзиб қўйишар,
Бир саволга тўрт жавоб.

Қайси бири тўғри? — деб
Қотиб қолади бошим.
Қанча ўйлаб уринмай,
Енгил келади тошим.

Киришмасам бўлмайди
Энди жиддий ўқишга.
Шунда ўрин қолмайди,
Тест дегандан қўрқишга!

АФАНДИ

Афандини билардим,
Панд емасди ҳеч кимдан.
У барчани кулдириб,
Чиқар эди ечимдан.

Ҳозир унга ҳайронман,
Чаққон эмас, топқирмас.
Ё бозорни билмайди,
Ё савдони ёқтирмас.

Атрофига бир қараб,
Тушунмасми замонни.
Жаранг-жарақ пулларга
Тўлдирмасми ҳамённи.
Ахир, бундай юришда,
Хўр бўлиши бешак-да!
Ҳамма минди «Нексия»,
У юрибди эшакда...

МЕРОС

Бурчакда жим турарди,
Бобомерос бир асо.
Бола қўлга олганди,
Чиқди ундан сас-садо:

—Бобогинанг суянган
Асоман мен, тиракман.
Улоқтирма, эй болам,
Сенга бир кун керакман!

ОЗОДА БОЛА

—Қўлларингни ювдингми?
Нега олдинг қошиқни!
—Ювдим, ишонмасангиз,
Ана, кўринг сочиқни.

НАЗОРАТЧИ

—Ёнидасан, қараб тур,
Укажонинг Мансурга!
—Ойи, қараб турибман,
Қулаб кетди чуқурга.

ҚАЛДИРҒОЧ ВА ҚАРҒА

—Бунча узоқ яшайсан,
Ёшингдан бер озроқ?
—Гўнг титишга қалайсан,
Кел, бераман ҳозироқ...

Қўзибой ИСМОИЛОВ

ХОТИНДАН БЕЗСАНГ ЕРТЎЛАГА ҚОЧ!

Берлинлик Адреанни хотини ва қайнонаси шаҳардаги уйидан ҳайдаб юборишгач, у ўйлаб ўтирмай ўрмонга борди ва ўзига ертўла ковлаб, ўша ерда яшай бошлади.

Хўш, ертўланинг нимаси ёмон-а?.. Печка, пол ва бошқа зарур нарсаларни ташкил этишда унга яқин танишлари ёрдам қўлини чўзишди...

Қандай яхши... Ҳеч ким халал бермайди, асабингга тегмайди, дам олиш кунлари, айниқса, кун бўйи ухласанг ҳам бўлаверади...

Тавбасига таянган хотин бир неча марта ўрмонга келиб эрини уйга судради. Бироқ...

Шундай қулай жойни ташлаб Адреан аҳмоқмиди? Мана, яқин вақтларда меҳмонга келиб-кетаётган дўстлари ҳам ўрмонга кўчиб ўтишмоқчи... Албатта, хотин-бола-чақасиз.

Shunaqasi ham bo'ladi

ЭНГ, ЭНГ...

Айтишларича, лочин тухуми дунёда энг қимматбаҳо тухум ҳисобланади. Германияда лочин овлашга қизиқиш ҳозирги кунда жудаям кучайган. Бу мамлакатда ўз лочинига эга бўлган киши обрўли одам ҳисобланади. Немис миллионерлари лочин тухуми учун ўртача 100.000 евро тўлашга тайёрдир. Шунинг учун ҳам браконьерлар лочин тухумларини ўғирлайдилар. Бу каби салбий пул топиш йўллари кундан-кунга оммавийлашиб бораяпти, деб таъкидлайди табиат қўриқчиси Оливер Шульс.

Исландияда ҳам йил сайин лочинлар сони камайиб бормоқда. Браконьерлар ўғирлаган тухумларни уйдаги инкубаторга аралаштириб қўядилар ёки «хомлигича» сотадилар. Бундай усул аксар ҳолларда қушчаларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, агар бу ҳол шундай давом этаверса, бутун Европа минтақасида яқин 20 йил ичида лочин деб аталувчи мажудотларни фақатгина Қизил китоб саҳифаларида ёвуз табиат музейида учратишимиз мумкин бўлар экан.

ТУХУМЛИ РЕКОРД

1990 йил 23 апрелда дунёда энг антиқа рекродлардан бири содир бўлди. Буюк британиялик Дейл Лайонс 4 соат 18 дақиқа давомида устида тухум турган қошиқни оғзига тиқиб 48 километрга тенг бўлган масофани босиб ўтди. Ана буни ҳақиқий тухумли рекорд деса бўлади.

Немис тили ўқитувчиси Мирза ТУЙҒУНОВ таржимаси

ҚУНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

АСҚАД АКАНИНГ АНЖИРИ

Esdalik

Куз охирлаб қолган эди: биз томонларда аллақачон ёғингарчилик мавсуми бошланиб, бир-икки қор ўтган. Шимолий Кавказ тизма тоғлари этакларига жойлашган Кисловодскда ҳамон илиқ-иссиқ кунлар давом этарди, мулойим об-ҳавоси кўнгилларга хуш ёқиб, табиати айни ёзни эслатарди; шарқираб оққан ариқ бўйларидаги ўт-ўланлар, тоғ ён бағридаги арча, садалар, қадамингизда учрайдиган эман дарахтлари ҳали кўм-кўк. Этаклари хиёбонга туташ — "Ўзбекистон" санаторийси бир ҳафтаки, серфайз ва гавжум. Кўнглимга яқин ҳамроҳ учратолмай диққинафас бўлиб юрганимда тўсатдан ошхонада пайдо бўлган Асқад акани кўриб қувониб кетдим. У киши остонада туриб, афтидан, бирор таниш ёки бўш жой қидирарди. Салом-аликдан кейин чеккароқдан холироқ жой танладик...

... Столимизда яна бир ёши ноаниқ, икки чеккадаги сийрак сочларини қорайтириб юрадиган, паст бўй, миқти гавдали одам ўтирарди, ҳали Железноводскка, ҳали Пятигорскка қатнаб, битта янги галстук тақиб келмаса кўнгли жойига тушмасди бу одамнинг — шу галстук "жинниси" Асқад акадан даб-дурустдан сўраб қолди.

— Сира галстук тақмайсиз?..

Асқад ака кулди:

— Ҳа энди шу мушкул вазифадан ҳам пича дам олақолайлик деб... уйга ечиб келгандик...

— Дид билан галстук таққанда гап кўп, ҳозир ҳамма одамнинг шунисига қарайди, — деди ҳамстол насиҳатомуз, — катта-катта даргоҳларда кўп ишлаганман, гапнинг пўскалласи, ўзим ҳам қабулимдагиларнинг шунисига кўпроқ эътибор бериб муомала қилганман.

— Доно раҳбарлардан экансиз, — деб кўя қолди Асқад ака. Бу гапдан у кишининг бироз энсаси қотганлигини сезиш қийинмасди. Ҳамстолимизнинг навбатдаги қилиғи гапидан ҳам ошиб тушди. У эрталаб бурдаланган нонни суви қочган деб ташлик столдан олдириб ташларди.

— Галстукда куйиб-пишиб овқатланиш қанчалик фойда-зиён билмадим, — деди Ас-қад ака тоқати тоқ бўлиб, — аммо суви қочинқираган нонни саломатликка кўп фойдали дейишади!

Ошхонадан чиққанда:

— Хаҳ, бошлиска пул қурсин, — деб қўйди Асқад ака ачиниш билан, — туппа-тузук одамларни қай кўйга солмайди!?

Эртаси нонуштада Асқад ака кўринмади, хонасига кирсам икки қават одеялга ўраниб ёнбошлаб ётибди. Одеялнинг чеккасидан бир мўралаб бошини очди: афти-ангори ҳаммомнинг иссиқхонасидан чиққан одамникига ўхшарди.

— Ваннада шамолладимми, кечаси қаттиқ иситмаладим шекилли... доктор икки-уч кирди.

— Нега чақирмадингиз?

— Безовта қилмай деб...

Шу аҳволда ёстиққа ёнбошлаб ниманидир қоралаётган экан, бироз ўнғайсизланиб:

— Эрмакка... таржима қилаётган эдим, — деб қўйди. — Журналдагиларга битказиб келаман деганман... Вақт ўтиб қолди... иш ўлда-жўлда.

Шу гапдан кейин иситма аралаш унинг мукка тушиб ишлаётганига ажабланмадим. Асқад ака ваъдасини сира бузмаган, ҳар қандай вазиятда ҳам сўзининг устидан чиқарди. Қолаверса, вақт деб аталмиш ноёб неъматни жуда қадрлайдиган ижодкор эди у. Хасталигида татарчадан катта бир асарни ўзбекчага ўгирди, Тошкентда бошлаган достонни, чамамда, икки ҳафтада тугатди.

Бир куни Асқад ака мени тоғ сайлига таклиф қилди. Анча айланиб санаторийга қайтса ҳаммаёқ саранжом-саришта, дарвоза олдилари, эчкининг шохидек икки томонга айрилган сўқмоқ йўллар супурилиб сув сепилган. Ошхона зинасининг икки томонида қучоққа сиғмайдиган сопол тувакларда япон гуллари ўсарди, шуларнинг ҳам шапалоқдек-шапалоқдек барглари ювилиб, ҳатто дока билан артишибди. Билсак, Железноводск курортида дам олаётган Шароф Рашидов санаторийдаги янги қурилишни кўриш ниятида экан. Ошхонадаги эски-туски палослар ўрнига янги гулдор қизил гиламлар солинган, столларда оҳори тўкилмаган қордек оппоқ дастурхонлар, лаби учган идиш-товоқлар ўрнида Тошкентнинг пахта гулли чиннилари, ҳаммаёққа даста-даста анвойи гуллар қўйилган, бундан Асқад Мухтор завқланиб кетди.

Айтилган вақт-соатда иккинчи корпус олдидаги майдончага йиғилишиб Шароф Рашидовни қаршиладик. У киши оддий кийимда, галс-туксиз, костюмини билагига ташлаб олган, ҳамма билан саломлашиб, пастрақдаги сўқмоқдан ўтиб бораркан, одамлар орасида турган Асқад Мухторга кўзи тушиб... қадами секинлашди, шу тобда раҳбарликдан кўра ёзувчилик устун келиб кўнгли ҳамкасб одамга бир талпиндими, ҳамроҳларини ҳайратда қолдириб тўсатдан Асқад ака томон бурилди-да... Асқад ака ҳам у киши билан кўришгани шошилди.

Шундан кейин казо-казолар орасида "домлажоннинг ширин сухбатларига муштоқ" лар кўпайиб қолишди! Бир куни кечки овқатдан чиқсак бир мансабдор узоқдан Асқад акага қўлларини чўзиб келди.

— Биринчи билан кўришган муборак қўлларингизни бир олиб қўяй, акахон!

Сохта, бачкана хушомадгўйликни нозиктаъб Асқад акани мижози ҳазм қилолмади. Эртасигаёқ "келинг, шулардан нарироқ юрайлик" дейишга тушди ва бўш вақтимизни энди кўпроқ тоғда ўтказадиган бўлдик. "Меҳмондорчилик навбати — меники, — деб қолди Асқад ака бир гал. — Доим чаққонлик қилиб доғда қолдирасиз, боринг чўнтакларни бўшатиб чиқинг". Мен дарров айтганларидан зиёда қилиб ҳамённи бўшатиб, одеялни қўлтиқлаб чиқдим...

Кисловодск шифобахш суви, мўътадил тоза об-ҳавоси, бетакрор "теренкури", яъни ҳар иккиуч метр масофада бир-бир ярим қарич юқорига кўтариладиган махсус айланма йўллари билан машҳур жой. Одамлар шунча пул сарфлаб, машинада тоққа чиқиш учун эмас, аксинча, махсус сўқмоқларда соатлаб юриб юрак мушакларини чиниқтириш учун бу ерларга келишади.

Ҳар кунги манзилимиз — чўққининг ярми, юқорига чиқиб тушувчилар учун дам олишга мўлжалланган жой эди. Бу ерда тайёрланаётган кавказ кабобига таъриф йўқ. Кичкина дўкончада музқаймоқдан тортиб Кавказнинг барча ноз-неъматлари муҳайё. Ишқивозлигимиз — тоғ бинининг сатҳи икки бўйра ясси тош. Ундан шаҳарнинг ярми кафтдек кўринади, уч-тўрт терак пастда кумуш тасмадек чўзилган сой, сойнинг нариги томонида гугурт қутидек бўлиб кўзга ташланган машиналар ҳар томонга ўрмалайди. Муҳими — қаршингизда оппоқ чўққилари ханжардек ҳавога санчилган буюк Эльбурс тоғи бор салобати ва жозибаси билан намоён бўладики, бу манзара ҳар қандай одамни ҳайрат ва ҳаяжонга солмай қўймайди.

— Эльбурсни минг йиллар аввал ҳам шу жойдан одамлар томоша қилган, — деди Ас-қад ака ўйчан — бугун биз ўтирибмиз... Қизиқ, яна шунчадан кейин бу мангу қор чўққиларни кимлар томоша қиларкин?!

Унинг хаёллари минг йиллар оғушида чарх урарди. Саид Аҳмад аканинг "Асқаднинг тирноғигача фалсафа" деган гапларини беихтиёр эслаб кетдим...

Уйга жўнаш олдидан: — Бирор хизмат борми? — деб сўрадим.

— Малол келмаса, — деди Асқад ака ўйланқираб, — Роза опангизга телефонда "Яхши юрибди" деб қўясиз, ҳа, мабодо "ишлаяптими?" деб сўраса, "уйқудан бош кўтармайди" денг...

Тошкентга келиб, у кишининг уйига телефон қилишим билан Роза опа ташвиш билан "ишлаяптими?" деб сўради ва мен Асқад ака ўргатган гап билан қутулдим.

Бир кузакда ёзувчилар боғига чиқсам Асқад ака ҳафсала билан дала ҳовлида анжир кўмаётган экан, анжирнинг тарвақайлаган шохлари йиғиштирилиб ёпилган, фақат илдиз атрофи қолган эди. Беш-олти курак тупроқ ташлашдим. Икковлашиб ёнларини шиббаладик. Роза опа чой дамлади. Ҳовлида мураббо билан чой ичдик.

— Қай бир йили Иброҳимжон ака бир даста анжир қалтак улашганда эккан эдим, — деди Асқад ака, — бўлганини қаранг!

— Анжирнинг қалтакдан ўсишини билмасдим. Эртароқ келсам илдизга яқинроқ жойдан иккита қалтак оларканман, ҳай, майли, анжирхўрлик бир йилга кечикди,— дедим ачиниб.

Пешинда ухлаб турсам аллаким хонанинг эшигини қия очиб "пастга тушаркансиз" деб ўтди. Тушсам... Асқад ака... қўлида газетага ўралган бир даста қалтак! Буларни боя айтишим билан олиб бераркану, аммо мени яна ишлатиб қўйишдан ийманиб, кетишим билан анжирни қайта очган экан.

— Мана, — деди Асқад ака, — анжирхўрликка бир йил кечикмайдиган бўлдингиз!

Ҳаяжонланиб кетдим, йўқ, гап икки дона қалтакда эмас, гап одамнинг кўнглида!

— Ҳосили — тенг шерик, — дедим.

Асқад ака "ўзимизникини эплаб турайлик-чи" деб кулди...

Ойлар, йиллар лочин қанотининг бир силкинишидек ўтди-кетди. Ўттиз-ўттиз беш йиллар бурун экилган новдалар ҳозир каттакон дарахт бўлган. Узун нарвон билан ҳам тепасига етолмайман. Ҳар йили икки бор ҳосил оламан ва ҳар гал бир армон кўнглимни ўртайди: аттанг, тўрттагина анжирни баргига қўйиб Асқад акага кўтариб бормадим...

Латиф МАҲМУДОВ

Xullas...

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!

Фирибгар "халқи" қандай қилиб бўлса-да, одамларни лақиллатиш ва бунинг эвазига бирор манфаат кўриш ҳақида ўйлайди. Айниқса, қарияларни алдаш уларга чўт эмас.

Кемеровода яшовчи кампирнинг уйига қўнғироқ бўлди: "Сизнинг куёвингизни қамаб қўйишди. У 43 минг рублни ўғирлагани учун айбланган. Мен прокуратура ходимиман. Тезликда ана шу пулни тўғриламасангиз, куёвингизнинг шўрига шўрва тўкилади. Шунча пулингиз борми?"

Табиийки, бу хабар кампирни довдиратиб қўйди. Эртасига унинг эшигини тақиллатиб келган "прокуратура ходими"га у қўрқа-писа 200 доллар ва 11 минг рублни ўраб берди. Устаси фаранг фирибгар эса гўё кампирда шубҳа уйғотмаслик учун ўралган пулнинг ўрнига сездирмай қоғоз қўйди-да: "Мен буларни муҳрлайман. Банкка олиб бориб тўлайсиз", деди. Соддадил кампир эса рози бўлиб, пулни яшириб қўйди.

"Прокуратура ходими" эса унга эртаси куни қўнғироқ қилишини айтиб, у билан қуюққина хайрлашди. Аммо у эртаси куни ҳам, индинига ҳам, бир ойдан кейин ҳам сим қоқмади. Куёвининг эса қамалмаганлиги маълум бўлди. Кампир ниҳоят юрак ютиб, ўрамни очиб қарасаки, қатлам-қатлам оддий қоғозлар.

Шўрлик кампирга энди ким ҳам ёрдам берарди?

КРАНГА ОСИЛГАН ОШИҚ

О муҳаббат, қалбим ардоғи, дея куйланган олий туйғу ошиқ зотини не кўйларга солмайди? Бир-бири билан тортишиб қолган келин-куёвларнинг муносабатига гўёки нуқта қўйилди. Маъшуқа қаёққадир ғойиб бўлди, ошиқ эса доғда қолди. Ҳаммаси тамом...

Куёвтўра уни излаб, Челябинск томонларга йўл олди. Унинг қизлик уйи шу ерда, бошқа қаерга ҳам борарди? Йигит айёрона операция миясига келганидан суюниб кетди. У тап тортмасдан шаҳардаги қурилиш объектларидан бирида турган кранлардан бирига осилиб олди. Агар унга зудлик билан тележурналистларни чақиришмаса, крандан ўзини пастга ташлаб юбориши бақириб эълон қилди. Тележурналистлар келиб, уни тасвирга олишса, бундан хотини ҳам хабар топиб раҳми келиб, уни излаб келар эмиш.

Аммо кранга осилган ошиқ беқарор маҳаллий милиция ходимлари томонидан безориликда айбланди ва "Ромео"-ни пастга туширишдан қўйишди. Бу ёғи протокол, сўроқ дегандай... Йигит бу ишларни ҳушёрликда ва хотинига аччиқ қилиб амалга оширмоқчи бўлганию, мақсадига эришолмагани, хулласи, ҳамма-ҳаммаси ҳақида гапириб беришга мажбур бўлди.

Милиция ходимлари ҳам муҳаббат "савдосини тушунишди шекилли, уни қўйиб юборишди. Муҳаббат можароси бир-бирига сира ўхшамайди. Аммо ошиқларнинг дарди битта, ёр васлига етмоқ...

ana shunaqa gaplar

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда 2003 йилнинг июнь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган

1. Қ.Р, Тошкент шаҳар ва вилоят ПҚТМОИ мактабдан ташқари таълим, йўл ҳаракати қоидалари фанлари ўқитувчилари 16-28
2. Қ.Р, Тошкент шаҳар ва вилоят ПҚТМОИ ҳамда Қ.Р ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги методика (таълим) маркази ходимлари учун «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» курси УЎТМ X-XI синфларда вақтинча тажрибавий ўқув дастури асосида ўқитиш самарадорлиги ҳақида мақсадли курс (Фарғона ВПҚТМОИда) 16-21
3. Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари 2-14
4. Туман (шаҳар) ХТБнинг она тили ва адабиёт методистлари 2-14
5. Туман (шаҳар) ХТБ бошланғич таълим методистлари учун илғор педагогик технологиялар ва рейтинг тизимини қўллаш бўйича маърузачилар курси 2-14
6. Мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўлган директорлар курси 2-21
7. Мутахассислиги тарих-география бўлган директорлар курси 2-21
8. Мутахассислиги математика-информатика бўлган директорлар курси 2-21
9. Мутахассислиги физика ва умумтехника фанлари бўлган директорлар курси 2-21
10. Мутахассислиги рус ва хорижий тиллар бўлган директорлар курси 2-21
11. Мутахассислиги кимё-биология фанлари бўлган директорлар курси 2-21
12. Ёш директорлар (5 йилча стажли) курси 2-21
13. Ташхис марказлари профориетаторлари 16-28
14. Мактаб амалиётчи психологларидан психолог-тренерлар тайёрлаш махсус курси 16-28
15. Кар ва заиф эшитувчи, кўзи ожиз болалар мактаби физика ўқитувчилари 16-28
16. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари 2-21
17. Таълим рус тилида олиб бориладиган ёрдамчи мактаб ўқитувчилари (Навоий ВПҚТМОИда) 2-14

ЭСЛАТМАЛАР:

1. Тингловчилар институт меҳмонхонасига жойлашадилар, институт кутубхонаси ва қироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар харажатлари институт ҳисобидан тўланади. Йўл харажатлари фақат Давлат транспортларининг чипталари асосида тўланади. Курсларда машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. Таниқли педагог олимлар, ДТС, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари республика маънавият ва маърифат маркази масъул ходимлари машғулот олиб борадилар, санъаткорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейи, Хотира майдони, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи, музейи ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.

2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва улар режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари шарт.

3. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошидаги санаторий-профилакторийга Қорақалпоғистон республикаси ва вилоятлар касаба уюшма қўмитаси томонидан берилган пул ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида қабул қилинади.

4. Хоҳловчилар профилакторийнинг ўзидан нақд пулга йўлланма олишлари мумкин.

Манзил: Тошкент —95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй. Транспорт: Шимолий Темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг «Талабалар шаҳарчаси» бекатигача.

«ОРОМ» СКАНВОРДИ

Тузувчи: Орифжон МАДВАЛИЕВ Учкўприк тумани



Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТКУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-386.
Тиражи 27200. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ,
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00